Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 235 (21.101) 1991 йил 5 декабрь пайшанба

Баҳоси 8 тийин.

29 декабрь—Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш куни

ЯХШИНИНГ ШАРОФАТИ

ҚАШҚАДАРЁЛИКЛАРНИНГ ДИЛ СЎЗЛАРИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Марказий Кенгаши пленумида И. А. Каримов номзоди республика президентлигига кўрсатилганлиги ҳақидаги хабарни, айниқса, Қашқадарё вилояти меҳнаткашлари алоҳида қониқиш билан кутиб олдилар. Бунинг боиси бор. Номзод 1986 йил декабридан 1989 йилнинг июнига қадар бу ерда вилоят партия комитетининг биринчи котиби вазифасида ишлаган, областни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган эди.

Хўш, вилоятда уни билган, бирга ишлаган кишилар номзод тўғрисида нима дейишмоқда? Қуйида уларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

ИЗЗАТ СУННАТОВ, вилоят маҳсулотларни тайёрлаш ва сифати бўйича бош давлат инспекцияси бошлиғи:

— Гапнинг рости, мен бировга тилёламалик қилиб мақтов олиш ёшидан ўтиб қолганман. Ўз бўлсада, вилоят қишлоқ хўжалигига ҳиссам синган. Шу боис холис ният билан мулоҳазаларимни айтмоқчиман, холос.

У киши вилоятни жуда оғир шароитда қабул қилиб олди. Биргина қишлоқ хўжалигининг ўзи ўша йили давлатдан 200 миллион сўм атрофида қарздор эди. Бунинг устига марказдан вакиллар келиб, Қашқадарёни Бухоро вилояти билан қўшиб юбориш ҳаракатида юришганди. Тўғриси, одамларнинг қўли меҳнатга бормасди. Шундай бир вазиятда у кишн халққа мурожаат қилди, унинг фикрини, дардини билди. Москвага елибюгуришлар натижасида Қашқадарё алоҳида вилоят сифатида қоладиган бўлди.

Биласизми, худди шу нарса одамларимизнинг руҳини кўтариб юборди, кўпчилик унга ишонч билан қарай бошлади. Иккинчидан, «пахта иши» билан қамалган айбсиз кишиларни озод қилишга чинакамига бел боғлаб киришди. Бирин-кетин ноҳақ айбланганлар қайтиб келишди. Кўпгина оилалар оталари, турмуш ўртоқлари, ака-укаларини қайтадан бағрига олишди.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиш керак. Етук иқтисодчи сифатида у жуда кўп хайрли ишларни амалга оширди. Жумладан, қишлоқ хўжалигида бир қатор иқтисодий ислоҳот тадбирлари ўтказилди. Вилоят деҳқонлари шу ислоҳотлар натижаси ўлароқ бир йилда қарзлардан қутулиш билан қўшимча фойда ҳам оладиган бўлишди. У Марказкомга биринчи котиб этиб сайланган йили эса Қашқадарё вилояти фақат қишлоқ хўжалигининг ўзидан 200 миллион сўм соф фойда кўрди.

ЎТКИР НИЕЗОВ, Косон район Энгельс номли давлат хўжалигининг бўлим бошлиғи, халқ депутатлари район Кенгаши депутати:

— Бир неча йиллардан буён чўл зонасида пахта етиштирамиз. Илгари бу ерларга сув чиқмасди. Ислом ака вилоятга биринчи котиб бўлиб келгандан кейин сув масаласи билан ҳам жиддий шуғулландилар. Амударёдан насос орқали сув чиқарилди. Қашқадарёлик деҳқонлар шу-шу об-ҳаётга ёлчийдиган бўлишди.

Вилоятда пахтачилик 1—2 йил ичида кескин ривожланди. Қашқадарё ялпи пахта ҳосили бўйича жумҳуриятда биринчилар қаторига чиқиб олди. У киши келганиданоқ вилоят пахтакорлар кенгашини тузди. Кенгашга тажрибали деҳқонлар, мутахассислар аъзо бўлиб киришди. Кенгаш ҳар ойда мунтазам ўтказиб туриларди. Унинг ижобий томони шунда эдики, деҳқонлар фойдали тажрибаларни ўрганиб қайтишарди.

Дарвоқе, ўша йиллари мен район агросаноат бирлашмасида ишлаган эдим. У киши даланинг ўзига келиб деҳқонлар билан маслаҳатлашини яхши кўрар, уларнинг дардини тинглашдан чўчимасди. Қайтанга чора излаб, деҳқонлар ўрнини енгил қилишга интиларди. Одамларга томорқа участкалари бўлиб бериш айнан бизнинг вилоятимизда ўша даврдаёқ бошланганн бунга ёрқин мисол. Мана, ҳозир бу тадбир бутун жумҳуриятда амалга оширилмоқда.

БУРИ ҲАЛИМОВА, Қарши шаҳридаги Карл Маркс номли маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси:

— 16 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказяпман. Ҳозир тўрт-беш нафари уйли-жойли бўлишган. Жумҳуриятимиз раҳбарларига раҳмат. Оналик ва болаликни, кам таъминланган оилаларни бозор шароитига ўтилаётган оғир бир шароитда ижтимоий ҳимоялаш чораларини кўришяпти. Мана, менинг ўзим мактабда ўқийдиган тўққиз нафар боламга ой сайин бир ярим минг сўмдан кўпроқ ёрдам пули оляпман. Яқинда шаҳар ижроқўми оиламиз учун олти хонали коттеж уйни текинга берди. Хуллас, турмушимдан нолимайман.

29 декабрда, албатта, сайловда қатнашаман. Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш учун тинмай иш олиб бораётган ҳозирги ҳукуматимиз раҳбари учун ҳеч иккиланмасдан овоз бераман.

ХАЛИЛ СОАТОВ, Ғузор районидаги Майна Ҳасанова номли ширкат хўжалиги бошлиғи:

— Раҳбарнинг иқтисодчи, ҳисоб-китобдан хабари бўлгани яхши. Чунки, ҳисоб-китобни билмасдан туриб бирон бир ўзгариш ясаш қийин кечади. Мен буни ўз тажрибамга асосланиб айтаяпман. Илгари хўжаликларда, районларда мутахассислиги бўйича ишламаётган кадрлар анчагина эди. Шу боис тежамсиз, ўринсиз сарф-харажатлар миқдори кўпайиб кетганди.

У киши иқтисодий ислоҳотни айнан шундан, хўжалик балансини тозалашдан бошлади. Ҳисоб-китоб қатъий тартибга келтирилди. Вилоятда чек, ижара усуллари бўйича мунтазам иқтисодий ўқувлар ташкил этилди. Ўша йиллари кунига қандайдир бир янгилик, ўзгариш юз берарди. Очиғи, шу даврда олган сабоғимиз бугун биз мутахассисларга жуда қўл келмоқда.

Ўтган йили самарадорлиги паст бўлган «Рассвет» давлат хўжалиги базасида Майна Ҳасанова номли ширкат хўжалигини ташкил этдик. Мулкчиликнинг янги шаклидаги бу хўжалик бир йил ичида самара келтирди. 1990 йили пахта етиштириш режасини вилоятда биринчи бўлиб уддаладик. Рентабеллик даражаси 60 фоизга кўтарилди. Ҳозир жорий счётимизда 3,2 миллион сўм пулимиз бор. Президентимизнинг маслаҳати билан ҳозир пулни зарур мол-ҳолга айлантиряпмиз. Ҳолбуки, эски «Рассвет» давлат хўжалиги давлатдан 4,5 миллион сўм қарздор эди.

Эндиликда ишлаб топилган даромадни тежамкорлик билан сарфлаяпмиз. Қисқа вақт ичида қишлоқ амбулаторияси, ўрта мактаб биноси қурилди. 6 километр масофадаги йўлга асфальт ётқизилди. Бозор, тегирмон, жувозхона бинолари тикланяпти. Яқин вақт ичида консерва, тикишбичиш цехларини очиш ниятимиз бор.

ХУЖАМ ҚУРБОНОВ, Қарши районидаги Ленин йўли давлат хўжалиги директори:

— 1987 йилдан бошлаб обкомнинг биринчи котиби ташаббуси билан бизнинг хўжалигимизда биринчи марта чек усулида ишлаш жорий этилди. Хўш, чек усули қандай наф келтирди? Аввало, деҳқон маҳсулот етиштириш учун сарфланаётган харажатларни ўзи кўриб-билиб амалга оширадиган бўлди. Натижада деҳқон қанча харажатларни камайтириб, маҳсулот тайёрлашни оширса, оладиган даромади шунча кўпроқ бўлишини тушуниб етди. Хуллас, деҳқон ҳисоб-китоб билан иш тутишни ўрганди.

Ҳозир вилоятимизнинг барча хўжаликларида чек усули жорий этилган. Бизда ижара ва фермер хўжаликлари сони ҳам ошиб бормоқда. Дарвоқе, хўжалигимизда жумҳурият Президенти фармонлари изчил амалга оширилляпти. Кейинги уч йил мобайнида аҳолига 154 гектар ер участкалари ажратилди. Шу йилнинг ўзида эса 1035 хонадонга 110 тонна буғдой тарқатдик. Ёш оилаларга 61 бош бузоқ, 10 минг бош парранда тақсимлаб чиқилди. Кам таъминланган пенсионерлардан 70 кишига хўжалик ҳисобидан қўшимча 30—50 сўмдан ёрдам пули бериляпти.

НАТАЛЬЯ ФЕДЕР, Қарши нефть-газ бошқармаси иқтисодчиси:

— Очиғи, барқарор вазият ишчиларимизга умид бағишламоқда. Улар давлат буюртмаларини муттасил бажариб келишяпти. Меҳнатига яраша ойига ўртача 850—900 сўмдан маош ҳам олишяпти. Бизда турли миллат вакиллари меҳнат қилишади. Сайлов куни улар жумҳурият мустақиллиги учун овоз бериш билан бирга барча миллат вакилларининг осойишта яшаши, ишлаши учун шароит яратишга интилаётган ҳозирги раҳбаримизни республика Президентлигига сайлашга ҳам аҳд қилишган.

МУЗАФФАР МАҲМУДОВ, халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши раиси:

— Кейинги пайтда Қарши шаҳри бутунлай ўзгариб кетди. 15 та ўрта мактаб, кашшофлар саройи, спорт заллари, бассейнлар, телемарказ, аэропорт қурилди. Тарихий обидалар қайта тикланди. Очиғи, бу хайрли ишларни Ислом Абдуғаниевич бошлаб берганлиги, десам янглишмайман.

Эсимда, шаҳарни ободонлаштириш бўйича биринчи ишни бозордан, кўчаларни тартибга келтиришдан бошлаганди. Шаҳар мутасаддилари, мутахассислари, меъморларини йиғиб, шаҳар бош лойиҳасини тубдан қайта кўриб чиқишни таклиф қилганди.

Унинг ташаббуси билан вилоят марказида уй-жой қурилиши анча кенгайиб кетди. Шаҳарликларга дала ҳовлилар ажратилди. Айниқса, маҳаллаларга катта эътибор берилди. Карвон саройлар, чойхоналар, новвойхоналар ва савдо марказлари барпо этилди.

Ислом аканинг яна бир ижобий фазилати бор. Ёш кадрларга бефарқ қарамайди. Баъзан ҳатто дам олиш кунлари ҳам биз биргаликда йиғилишиб, шаҳар муаммоларини муҳокама қилардик. Ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам талабчан муносабатда бўларди. Тўғриси, биз унга, у эса бизга ишонар, шу боис бирга ишлаш осон кечарди.

Биз вилоятнинг бошқа районларида ҳам у яхши излар қолдирганини, сон-саноқсиз кишилар, турли касб эгалари бу борада кўплаб эзгу-ниятлар айтишга тайёр эканликларини эшитдик.

Қашқадарёликлар бугун ҳам Ислом Каримовга ишонч билан қарашяпти, ўз орзу-умидларини рўёбга чиқаришни унинг фаолияти билан боғлашяпти. Ҳозир вилоятнинг кўпгина меҳнат жамоаларида сайлов муносабати билан митинг ва йиғилишлар бўлиб ўтяпти. Ислом Каримов номзоди республика президентлигига энг лойиқ номзод деб топилмоқда.

Аслиддин БОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ЭЛЧИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ



СУРАТДА: қабул пайти.

4 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Тошкентга келган Корея Республикасининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Гон Ро Менни қабул қилди.

Бафуржа суҳбат асосида кўпгина масалалар ҳақида гаплашиб олинди. Ўзбекистоннинг мустақил деб эълон қилиниши янги истиқболларни очаётганлиги таъкидланди. Меҳмон республиканинг чет эллар билан узоқ муддатли, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантиришдаги имкониятлари билан таништирилди. Бой табиий—хом ашё заҳиралари, меҳнаткаш халқи бўлган Ўзбекистон замонавий технологиялар, сармоялар ҳисобига улардан самарали фойдаланишдан манфаатдор эканлиги қайд этилди.

И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш юзасидан аниқ таклифлар киритди, Ҳаракатларни мувофиқлаштириб туриш учун Тошкентда ва Сеулда иккала давлатнинг консуллик ваколатхоналарини ташкил қилиш зарур. Ўзбекистонда икки юз мингдан кўпроқ корейс яшаб турганлиги бу ишда катта аҳамиятга эга бўлади. Бу ердаги корейслар республиканинг барча фуқаролари билан тенг ҳуқуққа эга бўлиб, иқтисодиёт, маданият, илм-фаннинг турли соҳаларида баракали меҳнат қилмоқдалар. Ўзбекистон ҳукумати пойтахтларда савдо уйлари ташкил этилишидан, ўзаро делегациялар юбориб турилишидан ҳам манфаатдордир.

Гон Ро Мен қабул ва аниқ мазмундор суҳбат учун миннатдорчилик билдирди.

У ўз ҳукумати номидан И. А. Каримовга келгуси йилнинг бошларида Корея Республикасига расмий ташриф буюриш ҳақида расмий таклифнома топширди. Таклифнома миннатдорчилик билан қабул қилинди.

Элчи учрашув вақтида айтилган барча амалий таклифлар ўз вақтида Корея ҳукуматига маълум қилинади, деб ваъда берди.

Иккала томон икки республика ўртасида янада мустаҳкам алоқаларни ривожлантириш муддаосини изҳор этди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Ш. Н. Маҳмудова, республика давлат ташқи савдо ва чет эллар билан алоқа комитетининг раиси У. Т. Султонов қатнашдилар.

Гон Ро Мен ва унга ҳамроҳ бўлиб келган элчихона ходимлари Самарқанд ва Бухорога борадилар.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат. (ЎзТАГ)

Горбачев мамлакат парламент аъзоларига мурожаат қилди

МОСКВА, 3 декабрь. (ТАСС мухбири). Ватанимиз бошига тушган кўпдан-кўп мушкулотлар орасида энг хавфлиси, давлатчиликнинг мушкулотидир, дейилади мамлакат Президенти Михаил Горбачевнинг мустақил давлатлар Олий Кенгашлари депутатларига Мурожаатномасида. Бу мушкулот барча даражалардаги ҳокимиятларнинг фуқаролар олдидаги ўз вазифаларини бажариш қобилиятига жуда асоратли таъсир қилмоқда, иқтисодиётни барбод этмоқда, ислоҳотлар жараёнига халақит бериб, уни халқ этмоқда, аҳлоқни издан чиқармоқда, халқларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўймоқда, маданиятни таназзулга олиб бормоқда.

Ҳаммангизнинг Иттифоқдан воз кечиш ҳуқуқингиз бор, дейилади Мурожаатномада, аммо ундан воз кечиш халқ вакилларидан барча оқибатларни ҳисобга олишни талаб қилади.

Яқинлашиб келаётган энг даҳшатли хавф-хатардан — ер куррасининг олтидан бир қисмидаги бутун-бутун халқлар, оилалар, одамлар ўртасида тарих тақозоси билан вужудга келган кўп асрлик алоқаларининг бузилиши ва узилишидан фақат Иттифоқгина сақлаб қолади. Бундай кўп миллатли жамиятнинг парчаланиши миллиёнлаб фуқаролларимизга шундай бахтсизлик келтирадики, у ажралишдан кўриладиган вақтинчалик барча манфаатлардан ошиб кетади.

Мен янги Иттифоқ ҳақидаги ўз нуқтаи назаримни неча марталаб халқ ўртасида, давлат кенгашларида ва анжуманларида айтиб берган эдим, деб таъкидлади Михаил Горбачев. Сизларга қилаётган шу мурожаатимда буни яна бир бор таъкидламоқчиман: гап эски марказни янги қиёфада тиклаш ҳақида бормаяпти. Эски Иттифоқ йўқ ва унга қайтиб ҳам бўлмайди. Август исёни барбод бўлганлиги ҳам буни исботладн. Гап мутлақо янги давлат ва давлатлараро тузилмани барпо этиш ҳақида боряпти, бунинг моҳияти сизларга тақдим этилган шартнома лойиҳасида равшан баён этилган.

Бу ҳужжат — мустақил давлатлар вакилларининг иштирокида ҳар томонлама — жуда жиддий қилинган таҳлилнинг, узоқ давом этган музокаралар ва пишиқ-пухталик билан қилинган ишларнинг маҳсулидир. Мустақил давлат — республикаларнинг раҳбарлари бу иш билан биргаликда ва алоҳида-алоҳида кўп марталаб шуғулландилар. У конфедеративлик ва демократиялилик негизларини кенгайтириш мақсадида бир неча бор тубдан қайта кўриб чиқилди.

Шартноманинг конфедерация қоидасига иккита жуда муҳим ғоя асос қилиб олинган, бу қоида янги, мисли кўрилмаган давлатчиликнинг руҳини белгилаб беради. Бу — ўз тақдирини ўзи белгилаш, миллий—давлат истиқлоли, мустақиллик ғоясидир. Иттифоқчилик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро ёрдам ғояси ҳам шу жумлага киради.

Менинг нуқтаи назарим аниқ, деди мамлакат Президенти. Мен — янги Иттифоқ, мустақил давлатлар Иттифоқи — конфедератив демократик давлат тарафдориман. Шу сабабли мен сизлардан, ўз халқларининг мухтор вакилларидан яқин кунларда мустақил давлатлар Иттифоқи тўғрисидаги шартнома лойиҳасини муҳокама қилиб, уни маъқуллашни илтимос қиламан. Мен сизлардан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни мана шу шаклига розилик билдиришни сўрайман, бу шакл ҳаммамизга умумий тарихимизнинг энг қийин ва жуда хатарли палласидан биргаликда, фақат биргаликда ўтиш имконини беради, акс ҳолда бунга эриша олмаймиз.

Давлат Кенгаши парламентларга ўз Мурожаатномасида шартнома — шу йил имзолашга тайёр бўлсин, деган истакни билдирди, дейилади мурожаатномада. Олий Кенгашларнинг мухтор делегациялари шартнома устидаги ишнинг сўнгги босқичида мулоҳазаларни узил-кесил эътиборга олишлари мумкин, шу тариқа, ниҳоят бу ҳужжат имзоланиши билан мамлакат енгил нафас олиши, олға томон бирга ҳаракат қилиш учун жуда муҳим таянч нуқтаси ва ишончга эга бўлиб қолиши мумкин бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ КОМИТЕТИДА

3 декабрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ошкоралик масалалари комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни комитет раиси Э. Воҳидов олиб борди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Матбуот давлат комитетининг оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш бўйича олиб бораётган иши тўғрисидаги ахборот тингланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказишнинг тартиби ҳақида»ги қарори асосида Республика Матбуот давлат комитети муҳим ишларни амалга ошираётганлиги мажлисда таъкидлаб ўтилди. Ҳозиргача Матбуот давлат комитети ва жойлардаги рўйхатга олиш идоралари томонидан 380 та босма даврий нашрлар рўйхатга олинди. Уларнинг саккизтаси нашрларнинг таъсис этувчилари ва нашрларнинг номи ўзгартирилиши туфайли қайта рўйхатдан ўтказилди. Республика оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олиш пайтида таъсис этувчилар, нашриётлар ва редакцияларга муҳим методик ва амалий ёрдам кўрсатилди.

Мажлисда ёзувчи ва шоирларимизнинг ҳозирги ва келгуси авлод учун яратаётган ноёб китобларини босмадан чиқариш ҳамда бу асарларни давлат ҳимоясига олиш зарурлиги таъкидланди, шу йилнинг 29 декабрида ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик юзасидан Матбуот давлат комитети олиб бораётган ишларга алоҳида эътибор берилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг телерадио давлат комитетини миллий телевизион кўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар компаниясига айлантириш ҳақидаги ахборот ҳам тингланди.

Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинган ҳозирги вақтда республика телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар давлат комитетининг миллий телерадио компаниясига айлантирилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Телевидение кўрсатувлари ва радиоэшиттиришлари бугунги мураккаб шароитда меҳнаткашлар талабига жавоб бериши, зиддиятли ҳаётимизни тўла ёритиши, тилимизнинг барча бойликларидан фойдаланган ҳолда бетакрор урф-одатларимиз ва миллий қадриятларимизни тарғиб этиши зарурлиги алоҳида уқтирилди. Тармоқни замонавий техника асбоб-ускуналари билан таъминлаш, телевизион каналлар ҳамда эркин программаларни ташкил этиш, бу соҳада иш олиб борадиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш зарурлигига эътибор қаратилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Мажлисда «Халқ сўзи» ва «Народное слово» рўзномалари мақомини ривожлантириш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Шу рўзномалар таҳририяти тақдим этган ҳужжатлар Олий Кенгаш Раёсати тасдиғига киритиладиган бўлди.

Ташкилий масала ҳам кўрилди. К. Баҳрнев ошкоралик комитети раисининг ўринбосари, О. Маматова котиби этиб сайланди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БАРЧА ХОТИН-ҚИЗЛАРГА

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР КОМИТЕТИНИНГ 28—29 НОЯБРЬ КУНЛАРИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА БЎЛИБ ЎТГАН АНЖУМАНИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ

МУРОЖААТНОМАСИ

Қадрли оналар, опа-сингиллар, дугоналар!

Биз жамиятимиз ҳаётидаги туб ўзгаришлар ҳар бир хонадонни ташвишга солаётган, айни вақтда яхши кунларга умид ва ишонч туғдираётган беҳаловат даврда сизга мурожаат этяпмиз.

Бугун халқимиз мустақил Ўзбекистон Республикаси Президенти умумхалқ сайлови арафасида — катта имтиҳон олдида турибди. Биз бу мустақилликни Ислом Каримов республикамизга Президент сифатида раҳбарлик қилаётган даврда қўлга киритдик.

Ислом Каримовнинг республика раҳбари лавозимидаги дастлабки фармонлари унинг хотин-қизлар, оналар ва болаларга қилаётган ғамхўрлигидан ёрқин далолат беради. Кўп болали оилалар учун меҳнат дафтарчалари, ҳомиладор аёлларга, қуйи синфларнинг ўқувчиларига, фахрийларга, ногиронларга, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам — ана шу барча савобли ишларнинг ҳаммаси унинг ташаббуси билан бошланди ва республикамиз иқтисодий тангликни бошидан кечираётган шу оғир даврда бунинг учун имконият топди.

Деҳқонлар ернинг эгаси бўлишмоқда. Иқтисодиётни соғломлаштириш ва ривожлантириш йўлида амалий қадамлар қўйилди, талабалар, ўқитувчилар, ҳарбий хизматдаги йигитларимиз аҳволини яхшилаш тадбирлари рўёбга чиқарилмоқда, маданият ва дин қадриятларига қайтадан баҳо берилмоқда.

Ана шу ижобий ўзгаришларнинг ҳаммаси Ўзбекистоннинг 20 миллионли аҳолиси кўз ўнгида рўй бермоқда. Президент Каримов ва у бошчилик қилаётган республика раҳбарияти ташаббуси билан шундай савобли ишлар қилинмоқда. «Пахта иши» деб аталмиш иш юзасидан ҳибсга олинган юзлаб бегуноҳ кишилар қамоқдан озод қилинди. Оталар оғир жудоликдан сўнг фарзандлари бағрига, эрлар ва ўғиллар жабрдийда хотинлари ва оналари бағрига қайтишди.

Президент Каримов ҳар бир аёл, ҳар бир бола қалбида, кўп миллатли Ўзбекистон халқи яшаётган умумий хонадонимизда яхшилик, тинчлик ва умид чироғини ёқаверсин!

Бўлажак сайловда ҳаммангизни Ислом Каримов учун овоз беришга чақирамиз!

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

● МАМЛАКАТДА ИТТИФОҚ ШАРТНОМАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

● СССР Олий Кенгаши республикалар кенгашининг муҳокамасига бугун мустақил давлатлар Иттифоқи тўғрисидаги шартнома лойиҳасини тақдим этди. Бир ҳафта муқаддам унинг сўнгги нусхаси мамлакат Давлат кенгашида муҳокама қилинган ҳамда республикаларнинг Олий Кенгашларига ва Иттифоқ парламентига юборилган эди. Бу ҳужжатнинг тақдири — мамлакат сиёсий турмушининг марказий масаласи эканлиги, мамлакатнинг келажаги бу масаланинг қандай ҳал этилишига боғлиқлиги шубҳасиз.

РОССИЯ УКРАИНА МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАН ОЛДИ

● 1 декабрь куни Украинанинг келажаги тўғрисида ўтказилган умумхалқ референдуми муносабати билан РСФСР Президенти Борис Ельциннинг баёноти бу ерда тарқатилди. «Россия раҳбарияти Украина халқининг ўз хоҳиш-иродасини демократик тарзда изҳор этганлигига мувофиқ Украинанинг мустақиллигини тан олишини билдиради», — дейилади шу баёнотда.

Россия билан Украина ўртасида янги давлатлараро муносабатлар тезроқ қарор топиши мумкинлиги ва зарурлигига аминмиз, дейилади ҳужжатда. Иккала халқ ўртасида қарор топган дўстлик ва яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат анъаналари сақлаб қолинишига, мажбуриятларга, шу жумладан ядро қуролини тарқатмаслик ва уни чеклаш, инсон ҳуқуқлари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф қилган бошқа меъёрларига қатъий риоя этилишига ишонамиз.

ҲУКУМАТ БОШЛИҚЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

● Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган мамлакатлар ҳукуматлари бошлиқлари кенгашининг мажлиси бугун иш бошлади. Мажлиснинг кун тартибида мамлакат иқтисодий турмушининг энг муҳим масалалари турибди. Давлатлараро иқтисодий комитет раиси Иван Силаев мажлисни очиш пайтида айтишича, ҳозир СССРнинг ташқи қарзини бир ёқлик қилиш тўғрисидаги масалалар, шунингдек, Россия ҳукумати таклиф этган иқтисодий ислоҳотни ўтказиш вақтида иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган суверен давлатларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириб бориш масалалари муҳокама қилиниши керак.

Бундан ташқари кенгаш мажлисида асосий қарз юзасидан тўловларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ахборотни бажариш хусусида Париж клубига мурожаатнома матнини, шунингдек иқтисодий ҳамжамият тўғрисидаги шартномага илова қилинадиган иқтисодий битимларнинг лойиҳаларини муҳокама қилиш белгиланган.

● А. С. ПУШКИН номли амалий санъат музейида рус рассомларидан Александр Родченко билан Варвара Степановалар асарларидан иборат кўргазма очилди. Томошабинлар музейга қўйилган 500 дан ортиқ нафосат оламига мансуб нафис ишлар билан танишмоқдалар.

Суратказ: В. ВЕЛИКЖАНИН (ТАСС).

Кенгашнинг мажлиси уч кун давом этиши мўлжалланмоқда. Ҳозир мажлис эшиклари журналистлар учун ёпиб қўйилган.

Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар ҳукуматларининг бошлиқлари бугунги мажлис бошланиши билан Россия, Қозоғистон ва Тожикистондан давлатлараро иқтисодий комитетнинг мухтор вакиллари этиб Владимир Машиц, Калик Абдуллаев, Жамшид Каримов ваколатларини тасдиқладилар.

ХАВФСИЗЛИК ИДОРАЛАРИ ҚАЙТА ТУЗИЛАДИ

● СССР Олий Кенгашининг республикалар кенгаши бугун давлат хавфсизлиги идораларини қайта тузиш тўғрисидаги қонунни қабул қилди. СССР Давлат хавфсизлиги комитети қонун билан бекор қилиниб, унинг негизида ўтиш даври учун давлат бошқаруви марказий идоралари ҳуқуқлари билан республикалараро хавфсизлик бошқармаси, марказий разведка маҳкамаси ва чегара қўшинлари бирлашган қўмондонлиги билан давлат чегарасини қўриқлаш комитети тузилади. Мамлакат Президентига шу идораларнинг фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминлаш тавсия этилди.

Хива гилам ишлаб чиқариш бирлашмасининг чаққон ишчиси Онабиби Жуманиёзова. У тайёрлаган гилам буюмлари сифатлилиги билан ажралиб туради.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.



● СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ. Ленин йўли районидаги Охунбобоев номли давлат хўжалиги чорвадорлари чорва қишловига пухта ҳозирлик кўришяпти.

СУРАТДА: бош чўпон Нишон ЖУРАЕВ.

И. ХУЖАЕВ олган сурат. (ЎзТАГ).

•ПУБЛИЦИСТ МИНБАРИ•

ЭСКИ УЙ

БАЛАНД минбарлардан бир ҳақ гап айтилди: биз ҳали янги уйни қурмай туриб, эски уйни буздик. Нақадар аччиқ бўлмасин, тан олиб айтилди бу. Энди бир тасаввур қилиб кўринг. 70 йилдан ортиқроқ яшаб келган эски уйни бузишга бузиб, ҳали янгисининг пойдеворида уймалашиб, куйманишиб юрган эканмиз, унда яшаётган халқнинг ҳоли нима кечяпти? Табиийки, ҳамма ўзини «бозор»га урди. Чунки митинглардаги баланпарвоз, сийқа гаплар билангина қоринни тўйдириб бўлмаслигини ҳамма англаб қолди. Бозор эса заҳарини тўплаб юрган қовоқ аридек харидорни чақиб оляпти. Оқибатда бозорга умид билан кулиб кирган харидорнинг юзи тунд бўлиб чиқаяпти. Бугунги аччиқ турмушнинг аниқ манзараси шу.

Энди эски уйга озгина қайтайлик. Чет элларда юра-юра доҳийларимиз бу уйни тиклашга бош-қош бўлган эдилар. Социалистик мамлакатимиз мустаҳкам туражак, деб башорат қилган эдилар. Чунки, давлат ҳукмронлиги «изм-изм» назариялар билан асослаб берилган эди-да. Яъни аввал бошданоқ халқни тўйдириб, кийдиришни эмас, капиталистик мамлакатлар қуршови занжиридаги энг нозик, заиф халқа — чор Россиясини бузиб ташлаб, мустаҳкам дунёнинг пойдеворини қўйиш ҳақида ўйлашди. Оқибатда халққа кийим-кечак ва бошқа зарур моллар ишлаб чиқарадиган енгил саноатни эмас, ташқи душманлар ҳамласидан ҳимоя қилишни мўлжаллаб, оғир саноатни ривожлантиришга зўр бердик. Тарихимизга индустрлаштириш сиёсати (трактор, уларни ҳисобга олмаганда) шу тариқа кириб келди.

Энди қишлоқу шаҳарларда бойларни йўқотиш фикри ҳам тинчлик бермасди. Чунки, мамлакатга маҳсулот, пул, бойлик сув билан ҳаводек зарур эди ўша пайтда. Бойлар уни ўз ихтиёри билан сира-сира бергиси йўқ эди. Чунки мол аччиғи — жон аччиғи-да. Синфий душманлар қаторида қанчадан-қанча хайриҳоҳ бойлар ҳам қулоқ қилинди. Яъни ҳўлу қуруқ баравар ёнгани энди маълум бўлди. Улар худди уйига ўт тушган одамлардек ҳар ёққа бошпана излаб қочдилар, қўлга тушганлари эса отиб ташланди. Ўртаҳол деҳқон ниқоби остида эса қишлоқларда кўп деҳқонлар бор тирикчиликдан маҳрум этилди. Шўрлик деҳқонда ҳеч нима қолмади. Бор-шудидан айрилиб, яғир елкасига оғир кетмон ташлаб далага чиқишдан бошқа илинжи қолмади. Туяга янтоқ керак бўлса, бўйнини чўзади, деган мақол ўшанда айниқса ўринли эди. Кимга тирикчилик керак бўлса, даладан бери келмай қўйди. Томорқаси йўқ, чорваси йўқ қилингач, нима ҳам қилсин, у? Ҳатто кўрпа-тўшак қилиб ётиб олди, бола-чақа ҳам кўзга кўринмасди. «Коллективлаштириш сиёсати» нуқтага урган—муддаосига эришган эди, ҳақиқатан ҳам мамлакатда бой қолмади, ҳамма камбағал! Мухолифлар қолмади, фақат қўл кўтарадиганлар қолди.

Энди маданий революция ҳақида гапириш учун юзлаб саҳифа камлик қилади. Ўзбек халқи ёзуви уч марта ўзгариб, хотин-қизлар юзидан ҳаё пардаси олиб ташланганини айтайликми ё кўплар манқуртдек ўз аждодини унуттириб, хотирасиз қуруқ каллага айлантирилганлигини сўйлайликми?! Бас, бу ҳақда халқ гуллари — зиёлиларимиз кўп ва хўп ёзишди, такрорлаб ўтирмайлик. Фақат маданий революциядан биттагина қусур қолганини айтиб ўтмоқ жоиздир: ҳамма бир хил фикрлаб, бир хилда оврупоча кийинишга, бир хилда қуллуқ қилишга мажбур этилди. Дин юпатувчи эмас, афюн деб эълон қилинди. Қадриятларимиз топталди, урф-одатлар унутилди.

ЯҚИНДА марказий телевидение «Вид» кўрсатувларидан бирида ўша оғир йилларда ким мажлисда доҳийлар сиёсатининг айрим нуқсонлари (улар ҳам ҳар бир тирик жон каби беайб эмасдилар, албатта) ҳақида сўз очгудай бўлса, жазоси битта ўқ эканлиги ошкора, ҳужжатлар асосида намойиш этилди.

От кетидан той келар, деганларидек, Каплан ўқидан бевақт нобуд бўлган доҳий ўрнига унинг содиқ ўринбосари келди. У «пўлат интизом» ўрнатиб, эски уйда ким ётмаса, бировлар қўли билан оттирди, қаматтирди. Гроссман, Солженицинлар уёқда турсин, ҳатто Санд Аҳмад, Шукрулло сингари зукко ўзбек ёзувчилари ва энг оддий одамлар ҳам бунинг жабру жафосини кўрдилар. Бошқа мингминглаб фикрли кишиларнинг эса тиззалари дағ-дағ титратилди. Улар оғизларига мум солишга, ички дардларини Искандар Зулқарнайн ҳақидаги ривоятга ўхшаб, тубсиз қудуққа айтишга мажбур бўлдилар.

Доҳий ўринбосари эса аввал доҳийнинг дўстларини, кейинчалик уларнинг ҳам дўстларини йўқ қилишда изчил давом этаверди. Шунданмикан ё унга тақдири азал ҳукми етиб, тил тортмай ўз дала ҳовлисининг ошхонасида ерга мукка йиқилганида ўз дўстлари ҳам ёрдам беришга ошиқишмади. Ҳолбуки, вақтида «тез ёрдам» бериш мумкин эди, деб ёзишди синчков тарихчилар. Ҳатто доҳий ўққа учиб, ерга қулаганида ҳам уни ўз вақтида операция қилиб, олиб қолиш мумкин эди, деб ёзишди улар. Доҳийнинг ўринбосари айни қирғинбарот уруш арафаларида мамлакатимизда социализм тўла ғалаба қозонди, деб эълон қилди. Ҳолбуки, поёни кўринмайдиган, сароб социализмни яна узоқ вақт қуриб келдик. Ундан кейинги эски уй ҳокимлари ҳам фақат қоғозда «етилган», «ривожланган социализм», «коммунизмга ўтиш босқичи» ва ҳоказоларни ўйлаб топдилар. Мана, 80-йилларда, турғунлик даврида ҳақиқатан коммунизм ўтиб кетганини сезмай қолган эканмиз, деган истеҳзоли гаплар қулоққа чалинмоқда. Ишқилиб, эски уйга бири келиб, иккинчиси кетиб турди. Аммо халқ Чингиз Айтматов «Правда»да ёзган машҳур ривоятда келтирилганидек, дийдираган товуқ холига тушиб қолмасин-да. Бу ривоятда айтилишича, бир мамлакатда халқ тинч-осойишта, иккинчисида серғалва яшар экан. Серғалва мамлакат подшоҳи биринчи мамлакат подшоҳидан сўрабди: қандай қилиб сен халқинг тинч-беғалва яшашига эришяпсан? У шундай жавоб берган экан: шуни ҳам билмайсанми, халқингни оч қўй. Товуқнинг патини юлсанг, ҳеч қаёққа кетолмайди. Офтобга чиқса, эти куяди, сояда турса жунжикади — оёқларинг атрофида гирдикапалак бўлиб юраверади.

Албатта, мен ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда жуда катта ўзгаришлар бўлаётган ҳозирги паллада бу ривоятдагидек иш тутиш керак, деган фикрдан узоқман. Негаки, республикалар ҳар қайсиси ўзига мустақил бўлди. Олтинимиз энди ўзимизга қоляпти. Пахтамизнинг мудофаа ва бошқа зарур эҳтиёжлар учун сарфланадиган давлат буюртмасидан ортиғини ўз тасарруфимизда — вилоят, район ва хўжаликларнинг ўзида қолдиряпмиз. Мустақил республикалар билан иқтисодий битим — шартномалар туздик. Иқтисодий мустақилликни янада мустаҳкамлашга интиляпмиз. Булардан мутлақо кўз юмиб бўлмайди!

АММО мени битта нарса кўпдан бери ўйлантиради, қийнайди. Биз ўзбек халқида ҳам марҳумни ёмонлаш, қабрини бузиш жуда оғир гуноҳ ҳисобланади, Сталин уёқда турсин, энди Ленинга ҳам тош ота бошлашди. Ҳозир унинг жасадини мавзолейдан чиқариб ташлаш керакми-йўқми, деган бемаъни баҳслар бўляпти. Шароф Рашидовнинг жасади-ку писта пўчоғидек қабридан учириб олиб кетилди. Шу пайтгача волюнтаристик сиёсатнинг оқибатида бир қатор шахслар бадном этиб келинди. Ленин уёқда турсин, ҳатто Маркс ҳам ёмонотлиққа чиқариляпти. Аммо бир ҳақиқатни ҳам унутмайлик-да: дунёда бутунлай ёмон одам, тугал яхши одам ҳам бўлмайди. Негаки, беайб парвардигор. Биз доҳийлар, йўлбошчиларнинг шахсини эмас, улар фаолияти ва назарияларидаги айрим қусурларни тарихчи, сиёсатчиларимиз чуқурроқ очиб беришлари тарафдоримиз. Акс ҳолда ҳадеб шахсни беҳурматлашни бу хилда давом эттираверсак, бу бориб турган беодобгарчилик намунаси бўлиб қолади. Келгуси авлодлар буни мутлақо кечирмаса керак. Худди шундай ҳолни яқингинада ўз республикамиз мисолида ҳам кўрдик. Шароф Рашидов ёмонотлиққа чиқарилди, ҳатто Усмон Юсуповга ҳам тош отилди. Ўз даврида Акмал Икромовга, Файзулла Хўжаевларга ҳам шундай қилинган эди. Аммо энг одил ҳакам вақт экан-ку, ҳамма нарса жой-жойига қўйилди. Ҳозир Михаил Горбачев, Ислом Каримовга ҳам ўнг ва сўлдан, юқоридан ва пастдан «тошлар» отилмоқда. Аммо мустақиллик ва қайта қуришни, демократия ва ошкоралиқни, деҳқонларга ер берилаётганлиги ва эркинликни уларнинг саъйи ҳаракати ва фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди-ку. Ахир кечаги кун билан бугунни бир таққослаб кўрсак у аён бўлади-ку. Кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик? Кеча биринчи қаватда яшаган бўлсак, бугун иккинчи қаватда яшаяпмиз. Яъни оқ-қора телевизор ўрнига, рангли телевизорни, полос-шолча ўрнига гиламни, темир каравот ўрнига мебелни, ўз маҳсулотларимиз ўрнига чет элникини истаяпмиз. Буни ҳеч ким инкор эта олмаса керак. Яъни турмуш тарзини кечиришда биз ҳозир иккинчи қаватга кўтарилганмиз. Бугун эса юзсизларча Ленинни, эски уйимиз пойдеворини қўйган Октябрь инқилобини, — ҳамма-ҳамма нарсани ёппасига қоралаяпмиз. Жаҳоннинг қайси мамлакатида мана шундай «анъана» бор? АҚШда яхшими-ёмонми ҳамма президентларнинг махсус музейи бор. Барчаси кўрсатган хизматларига, обрў-эътиборига яраша хотирланаркан. Ҳурмат қилсанг, иззат топасан, дегани шу-да.

ТЎҒРИ, ҳадисларда амалдорликнинг боши маломат, ўртаси надомат, охири қиёмат шармандалигидир, дейилади. Эҳтимол, эл оғзига элак тутиб бўлмайди, деганларидек, катта ишлар маломату надоматларсиз ҳам бўлмас. Иш бор жойда хато бор деган нақл шунга дахлдордир. Бироқ бу гап асло шахсни беҳурматлашга қарата айтилмаган.

Мухтасар қилиб айтганда, биз эски уйни бузиб ташлаб, янгисини қураётган эканмиз, ҳар қандай беодобгарчилик, шахсга ҳурматсизлик, қуруқ сафсаталарни бир четга йиғиштириб қўйиб янги уйга ҳар ким қўлидан келганича лоақал битта ғишт қўйишни ўйласин, деймиз. «Икки эшик ораси» романидаги мана бу фалсафий фикр билан сўзимни якунламоқчиман: «Инсон умри — икки эшик ораси, ғоят қисқа. Яхши одамлар «у эшикдан кириб, бу эшикдан чиқиб кетаётганида қўлидан келганча савобли иш қилади. Ҳаёт деган иморатга ақалли бир ғишт қўйиб кетади. Яна бир хиллар бор, ўша иморатдан ақалли битта ғиштни ўғирлаб кетгиси келади. Ўғирлаб-ку, ҳеч қаёққа боролмайди, нариги эшик олдига борганда барибир ташлаб кетади. Икки орада иморатни бузгани қолади!».

Ҳамид ИКРОМОВ.

ГЕОЛОГИЯ ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

ХОЗИРГИ жуда ноқулай шароитни — ишлаб чиқариш тезлиги ва унумдорлиги тобора пасайиб бораётганлигини йирик олимларимиз мулкчилик масалаларининг нотўғрилигига — ҳамма нарса давлат мулки эканлигига боғлаётирлар. Бу пасайишдан давлат мулкини шахсларга, жамоаларга мулк сифатида тарқатиб, бозор иқтисодиётига ўтишгина қутқариши мумкин, деб ҳисобламоқдалар.

Шу боисдан иқтисодиёт тараққиётини бошқа ўзанга солиш масаласида қатор дастурлар ишлаб чиқилмоқда, аммо геология-қидирув ишлари соҳасининг бозор иқтисодиёти шароитида нималар қилмоғи кераклиги соҳа қолмоқда. Чунки бу соҳа конметаллургия, қурилиш материаллари, кимё, минерал ўғитлар саноати учун хом ашё базасини жуда кўп ижтимоий меҳнат ва моддий харажатлар эвазига яратса ҳам, ўз балансидан фойдаланувчилар балансига енгилгина ўтказиб, ўз ишини давом эттираверади.

Шунга биноан ва жумҳуриятимиз мустақиллиги эълон қилинган бир шароитда геология соҳасининг хўжалик ҳисобига ўтиши, унда бозор иқтисодиётининг жорий қилинишига бефарқ қараб бўлмайди.

Шуни таъкидламоқ керакки, бугунга қадар мамлакатимиз ҳудудида металл ва бошқа қазилма бойликларини, ер ости сувларини излаётган, топилганларини миқдор ва сифат жиҳатидан ўрганаётган барча геологик ташкилотлар ишни давлат бюджети ҳисобига олиб бордилар.

Ҳозирга қадар излаб топилган, ўрнатилган ва заҳираси давлат қўмитасида тасдиқланган фойдали қазилма конларини қазиб чиқарувчи (рудник, шахта, промисел кабилар) корхоналарга текингинага ўтказилади.

Демак, геология ва конни қазиб олувчи корхона ўртасида ҳеч қандай ҳисоб-китоб бўлмаган, бозор иқтисодига ўтиш у ёқда турсин, хўжалик ҳисобига ўтиш учун ҳам ҳеч қандай шароит йўқ.

Ҳозирги шароитда Ўзбекистон геология қўмитасида бу борада ишлар олиб борилмоқда, аммо қилинаётган ишлар бозор иқтисодига ўтиш учун етарли эмас. Ҳозир ҳар бир корхона, шу жумладан, геология ўзи чиқарадиган маҳсулотларни (тасдиқланган заҳирани) пулга чақиб, ҳисоб-китоб олиб бормоғи лозим. Минерал хом ашё ва уни қайта ишлашдан олинаётган маҳсулотларни баҳолаш (нархини аниқлаш) ҳисоблаш усулларини асослаш; тасдиқланган минерал хом ашё заҳирасининг ички ва жаҳон бозоридаги нархини аниқлаш, муайян конлардаги маъдан заҳираси ёки уни қайта ишлашдан олинган сўнгги маҳсулот бўйича алоҳида нархларни ҳисоблаб чиқариш; геология-қидирув ишлари, маъдан қазиб чиқариш, маъданни бойитиш ва металл эритиш ишларининг таннархини аниқлаш даркор. Бу ҳисоб сўнгги маҳсулот нархини белгилашда асос бўлади.

Шунингдек, қўшимча маҳсулот олиш усулларини ўрганиш ва уларни асослаш корхона жамоасининг хўжалик ҳисобига ўтишдаги зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Сўнгги маҳсулот реализациясидан тушган умумий маблағни геология-қидирув, қазиб олувчи, бойитувчи, металл эритувчи корхоналар орасида тақсимлаш усулларини асослаш, капитал қўйилмалар ҳажмини ва экология мувозанатини сақлашга кетадиган харажатларни аниқлаш ва ҳисобга олиш каби қатор чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Ҳозир мамлакат бўйлаб ва жумҳуриятимизда корхоналарнинг бозор иқтисодига ўтиши таъминланмоқда. Шу боисдан ишлаб чиқарувчи (геология корхоналари) билан истеъмолчи (конни қазиб олувчи) корхоналар орасидаги муносабат маҳсулотнинг солиштирма харажатлари, таннархи ва қолаверса, нархи масаласида бирмунча кескинлашади. Чунки геология ҳам, конни қазиб олувчи корхона ҳам сўнгги маҳсулот ишлаб чиқармайдилар. Заҳира ҳам, маъдан ҳам сўнгги маҳсулот эмаслиги маълум. У эса металл эритиш корхонасида юзага келади.

МУАММО ЕЧИМИНИ КУТАДИ

КОННИ излаб топишдан бошлаб, то металл эритиб олгунга қадар бўлган жараёнлар бир занжир деб фараз қилинса, геология, конни қазиб олувчи, маъданни бойитиб концентратдан металл эритиб олувчи корхоналар бу занжирнинг халқаларидир. Демак, геология шу занжирдан сунъий равишда ажратиб қўйилган бир йўналиш бўлиб, бу ажратилиш ҳукуматнинг буйруқбозлик сиёсати шароитига мос келар эди. Ваҳолонки, занжир ҳалқалари ўзаро узвий боғлиқ — ҳамма ҳалқалар фаолиятининг кўзгуси — ажратиб олинган металл, унинг миқдори ва сифатидир. Ана шу маҳсулотда занжир халқаларининг меҳнат ва моддий харажатлари мужассамлангандир.

Яна шу нарсани ҳисобга олмоқ керакки, ҳар бир конни қазиб чиқариладиган маъдан ўз сифати, ер юзига яқин ёки чуқурликда ётиши, кончилик техникасини мукаммал қўллаш имкониятлари, маъданни бойитиш ва металлни ажратиб олиш технологиясининг оғир ёки енгиллиги каби хусусиятлари бор ва улар сўнгги маҳсулотнинг таннархига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади. Чунки ҳар бир кон ўзига хос ва чақириладиган маъданнинг ёки сўнгги маҳсулотнинг таннархи турличадир.

Вольфрам ёки миснинг нархини аниқланаётганда эса Иттифоқ бўйича ўртача таннархдан келиб чиқиб нарх белгиланган. Ваҳолонки, ҳар бир кон маҳсулотига алоҳида нарх қўйилмоғи мантиққа яқин бўлур эди, чунки бажарилган ижтимоий меҳнат ва моддий харажатлар ҳажми турличадир.

Геология-қидирув ишлари давлат бюджети ҳисобига олиб борилган кўп йиллар мобайнида заҳиранинг таннархини аниқлашга муҳтожлик сезилмаган эди. Аммо эндиликда хўжалик ҳисоби, бозор иқтисоди каби тушунчалар қимматчилик келтириб чиқариб, жамият норозилигини кучайтираётган бир пайтда ҳар бир конни ўрганиш жараёнида ижтимоий меҳнат ва моддий харажатларнинг аниқ ҳисобини олиб бориш зарур. Бу коннинг заҳираси бирлигига геология соҳаси бўйича солиштирма харажати аниқланган тарзда қазиб олувчи корхонага топширилмоғи керак. Бу бозор иқтисодининг бир кўриниши.

Яъни геология корхонаси (экспедиция ёки бирлашма) конни қазиб чиқарувчи, бойитувчи (маъданни концентрат ҳолига келтирувчи) ва металлни эритиб олувчи корхоналар бажараётган ижтимоий меҳнатлари ва моддий харажатларига мутаносиб равишда охирги маҳсулот — металл реализациясидан ҳақларини олишлари лозим. Аммо бу бирмунча умумлаштирилган кўринишдир. Чунки металл эритувчи корхонада бир ёки бир неча конни қазиб олувчи корхоналарнинг маҳсулотлари қайта ишланиши мумкин.

Бир мулоҳазани айтмоқчимиз. Агар конни излаб топган, ўрганган корхона — геологик экспедицияни кичик корхона, сўнгги маҳсулот — металл эритиб олгунга қадар барча жараёнларни ўзи бажаради десак, бу корхона харажатлар мажмуасига эга бўлардию солиштирма харажатлар, таннарх ва охирги нарх ўз-ўзидан маълум бўлиб, қилинган ишлар ҳаммаси мантиққа жавоб бериш даражасига етар эди.

Геология соҳасини аввал хўжалик ҳисоби, сўнгра бозор иқтисодига ўтказиш масаласи соҳанинг барча ишчи-хизматчиларини моддий жиҳатдан қизиқтирмоғи лозим. Чунки геология соҳасининг кончиликдаги ижтимоий меҳнат ва моддий харажатлар бўйича улуши бирмунча салмоқлидир.

Сўнгги маҳсулот реализациясидан олинган даромад харажатларга биноан тақсимланса, ўйлаймизки, геология соҳасининг моддий аҳволи бирмунча яхшиланади.

Шу масалалар устида Тошкент давлат техника дорилфунуни таркибидаги геология-қидирув ишлари иқтисодиёти ва уни ташкил қилиш кафедраси жумҳурият Олий таълим вазирлиги таклифига биноан унинг олдига тематик иш олиб бориш вазифасини қўйиш зарурлигини таъкидлаб, уни асослаш бўйича ҳужжатларни киритган эди. Аммо шу чоққача на вазирликда, на дорилфунуннинг илмий бўлимида бу масала ўз ечимини топмади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришди. Мустақилликнинг барқарорлигини таъминлаш учун эса, республика ер ости ва ер усти бойликларидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш зарур. Шубҳасиз, геология-қидирув ишлари муаммоларини оқилона ва одилона ечиш масаласи мустақилликнинг илк қадамларидир. Бундай долзарб масалани пайсалга солишнинг оқибати инқирозга олиб келади.

Олиб борилмоғи зарур бўлган бу ишни геология қўмитаси ва бошқа кончилик корхоналарининг қўмагисиз бажариш мушкуллиги барчага аён. Чунки хўжалик ҳисоби каби бу иш ҳам нарх ҳосил қилиш масалалари билан узвий боғлиқ бўлиб, корхоналар билан турли муносабатларни чуқур ўрганишни талаб қилади.

С ОИХУЖАЕВ,
Тошкент давлат техника дорилфунуни доценти.



Ҳар жамоанинг ўз илғорлари бўлади. Бундайлар, жумладан, Ўзбекистон сув электр станциялари қурилиши — «Узбекэнергострой» трестида ҳам кўп.

Мутахассис Ражаббой Ҳамидов бошқараётган бригада объектларни белгиланган муддатда фойдаланишга топшириши билан шуҳрат қозонган.

СУРАТЛАРДА: Эгамберди Кенжаев касбдоши Давлатбой Исақулов билан (чапдаги сурат). Ўнгда эса бригадир Ражаббой Ҳамидов. Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

• Иқтисодиёт янгиликлари

СИФАТ ЯХШИЛАНМОҚДА

● МАРҒИЛОН ипакчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг пиллакашлик цехида Японияда тайёрланган пилла пишириш машиналари ўрнатила бошланди. Бу машиналарнинг хусусияти шундаки, улар энг аввало иш сифатини яхшилайди. Пилла толасида узилиш бўлмайди. Бирлашма мазкур унумдор дастгоҳларни пилла чиқитларини сотиш ҳисобига харид қилди.

КОМПЬЮТЕР ЁРДАМИДА

● ҚУҚОН «Текстильмаш» заводининг иш фаолиятини яхшилашда хориждан сотиб олинган компьютерлар яхши самара бермоқда. Қўлда ва дастгоҳларда ишлаб чиқариш қийин бўлган турли мураккаб буюмларни дастлаб ана шу компьютерлар ёрдамида чизиб, ўлчамлари аниқлаб олинаяпти. Сўнгра ишлаб чиқарувчи дастгоҳларда аниқ белгиланган ўлчамлар асосида тайёрланмоқда.

(ЎзТАГ)

● МУАММО

КИТОБХОН КЎПМИ ЁКИ КИТОБ?

Пойтахтдаги қайси китоб магазинига кирманг, турли-туман, ранг-баранг китобларнинг тахлаб ташланганига кўзингиз тушади. Бу ҳам майлику-я, сўнгги вақтларда «Союзпечать» — рўзномалар дўкончаларига ҳам ана шундай китобларни тахлаб қўйиш русум бўлиб қолди.

Тўғри, китобларнинг кўплиги ёмон эмас. Мен бу ўринда «Тахлаб қўйиш» жумласига урғу бермоқчиман, холос. Нима бўлганда ҳам эскича фикрлашни бир чеккага суриб қўйиб холис ёндашадиган бўлсак, маънавий юксалишни китобларнинг оз-кўплигига қараб эмас, унинг яхши-ёмонлигига қараб баҳоласак тўғри бўлар. Ҳа, китобнинг яхши ёмонлигини уни ўқимаган одам қайдан билсин. Уйда ота-онасининг китоб ўқиётганлигини кўрмаган фарзанд китоб ўқишни кимдан ўргансин?! Давлат ишида ҳориб-чарчаган ота-она соатлаб талонига нарса ололмай навбатда турсаю, уйда китоб ўқишга вақт тополмаса, ёҳуд ижара деганлари шу экан деб 80 талаб, 100 талаб қорамоллар билан овора бўлсаю қўлига китоб ушламаса?! Хўш, китобхон кўпми ёки китоб? Шундай экан, нега энди минг-минглаб нусхада турли-туман китоблар? Сабаб? Сабаби,— дейишди республика Матбуот давлат комитетидагилар, — жойларда китоб тарғиботи ва тахсимоти ишларининг сустлигида.

— Куни кеча ўтказилган кенгайтирилган йиғинимизда ана шу масалага асосий эътиборни қаратдик, — деди биз билан суҳбатда республика Матбуот давлат комитетининг раиси У. А. Абдураззоқов. — Йиғинни ўтказишдан мақсад китоб савдоси ишларини яхшилаш ҳамда китоб савдоси тармоқларида нашрларнинг сотилмай туриб қолишига барҳам бериш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат бўлди. Ва бунга бирмунча эришдик ҳам. Республикамизда китоб тақсимоти ишлари қандайлиги борасида олиб борган текширишларимиз шуни кўрсатдики, ҳали ҳам кўпгина нашриётлар халқ талабига жавоб бермайдиган, бадиий жиҳатдан бўш, сифати паст даражадаги китобларни нашр этишга йўл қўяптилар. Натижада омборларда ва магазин пештахталарида бугунга келиб оз эмас, кўп эмас — 74 миллион сўмликдан зиёд нашрлар чанг босиб ётибди.

«Ўзкитоб» республика бирлашмаси ходимлари бу борада ҳали ҳануз тубдан ўзгариш қилишга улгурганларича йўқ. Китобхонлар талаби, реклама ва тарғибот ишларини талаблар даражасида олиб бормаяпти. Қолаверса ўқувчиларнинг китоб муаллифлари билан учрашувларини ташкил этиш йўқ даражада. Бу борада «Китобхон» республика жамияти билан яна ҳам кенгроқ миқёсда ҳамфикрлилик асосида иш юритилса айни муддао бўларди. Савдонинг янги, илғор шаклларини кенгроқ ёйиш керак. Бирлашмада бунга етарли эътибор берилмаяпти. Шунинг учун ҳам 273 магазиндан бор-йўғи 13 таси, яъни 5 фоизигина пудрат усулида ишламоқда.

— Йиллик режа 20 миллион сўм знёди билан бажарилди, — дейди У. А. Абдураззоқов. — Лекин кенгайтирилган йиғин ўтказишдан мақсад бошқа нарса, —китоб савдосига бозор иқтисодиёти шароитида янгича иш услубини жорий этиш. Айниқса қишлоқларда бу масала эътиборталаб. Негаки китоб магазинлари йўқ ҳисобида. Борлариям ўлда-жўлда. Қоғоз, босмахона нархларининг ошиши китоб нархининг 5 баробар кўтарилишига олиб келди. Эндиги мақсад «бозор суяр» нашрларни кўпайтиришдан иборат. Биз халқ талабини ўрганяпмиз. Баъзи бир ёзувчилар бизлардан хафа бўлиб юрадилару халқ талаби билан келишишмайди. Келаси йилнинг март ойигача пештахталарда тахланиб қолган китобларнинг нархларини арзонлаштирмоқчимиз. Умумий китоб савдоси биржасини ташкил этиш устида ҳам иш олиб бориляпти.

М. КОЗИЕВ.

• ИШБИЛАРМОНЛИК ВА БОШҚАРУВ САНЪАТИ •

ШЕРМАТОВНИНГ ШАҲДИ

• ОЧЕРК

Етмишинчи йилларнинг ўрталарида Шўрчи райони пахтадан донг таратди. Пахта хирмонини 100 минг тоннага етказамиз, деб майдонга чиқди. Ўша йиллари районнинг даромади 100 миллион сўмнинг нари-берисида бўларди.

Бағридан янги районлар ўсиб чиқиб, ўша Шўрчи бугун анча кичрайиб қолди. Экин майдонлари қарийб ярмига қисқарди. Энди район ўша «100 минг»нинг учдан бири миқдорида пахта беради. Лекин даромадини яқин вақтлар ичида 1,5 миллиардга етказмоқчи. Билсангиз бу Сурхондарё вилоятининг бутун қишлоқ хўжалиги бераётган даромадга баробардир.

Миллиард ҳақидаги гап, тўғриси, Эшболта Шерматовдан чиқди. Шерматовни мен ўша: «шўрчиликларнинг 100 минг тоннаси» замонларидан биламан. Ўшанда у вилоят фирқа қўмитасининг қишлоқ хўжалик бўлимида йўриқчилик қиларди. Кейинчалик Шерматов вилоят дон маҳсулотлари бошқармасига бошлиқ бўлди. Ўша вақтда вилоятда ун ишлаб чиқарадиган комбинат у ёқда турсин, ҳатто қўлбола тегирмон йўқ эди. Шу боис йирикроқ ун комбинати қуриш, унинг лойиҳаси хусусида баҳс-мунозаралар авж ола бошлаганди.

Айтишларича, ўшанда комбинатни Қумқўрғон районида қуриш ҳақида таклифлар бўлган. Фақат аллақайси бир хўжалик раҳбари бу таклифга монелик қилган. Эллик гектар пахтазорни мен ун заводи у ёқда турсин, тилла заводига ҳам алмаштирмайман, деган. Шу аснода Шерматовнинг бошқармага бошлиқ бўлгани комбинат хусусидаги мунозараларни баттар чигаллаштириб юборгандай бўлди. Шерматов лойиҳа қувватини икки баравар ошириш, комбинатни чет эл ускуналари билан жиҳозлаш керак, деди. Комбинат қурилиши билан бир вақтнинг ўзида ишчилар ётоқхонаси, уй-жой, болалар боғчаси қура бошлаш, мутахассисларни эса четдан кўчирма қилмасдан маҳаллий одамлардан тайёрлаш керак, деди. Бу таклифларнинг амалга ошиши қурилишни фақат кечиктириши мумкин эди. Ишни кечиктириш эса «Фалон объектни фалон беш йилликда қуриб битказдик», деб мақтанишга ўрганиб қолганларга ёқмасди. Шерматов буни биларди. Барибир гапидан қайтмади. Шу комбинат қурилиши сабаб бўлиб 17 марта ҳайфсан олдики, лекин ортга чекинмади. Ишлар Шерматов айтгандай бўлди. Бугунги кунда эса қарийб 1,5 миллионлик Сурхондарё вилоятини шу комбинат боқаяпти. Жумҳуриятдаги энг йирик элеваторлардан бири шу комбинатда. Комбинат кунига 450 тонна ун ишлаб чиқаради.

Ажаб замонким, от айланиб қозиғини топди. Шерматов ўзи туғилган Шўрчи районига раҳбар бўлиб келди. Районнинг аҳолиси 100 мингдан ошиқ. Суғориладиган ерлар — 17 минг гектар. Жон бошига тушадиган даромад... айтгилиги йўқ. Ишламай, иш тополмай юрганлар сон мингта. Идорада ўтираверса, шикоятчининг кети узилмайди. Аксариятининг дард-ҳасрати битта: енгил автомашина. Биров ёлворгандай гапиради. Яна биров осмондан келади. «Машина бермасанг бир ёзаманки»..., деб пўписа қилади. Кейинчалик шикоятчиларнинг иккинчи гуруҳи пайдо бўлди. Улар: «Агар қишлоғимизни фалон хўжаликдан ажратиб, алоҳида жамоа ёки давлат хўжалиги қилиб бермайдиган бўлсангиз, биз билан ишлашингиз қийин бўлади, акам», деб идорадан чиқмай туриб оладиган бўлишди. Ажаб, минг гектар ери бор хўжаликнинг одамлари тил топишолмаса. Бўлинамиз, деб туришса. Ва яна бўлинадиган ўша 500 гектар ер учун раисдан тортиб кассирга қадар йилига 200—300 минг сўм пулнинг тагига сув қуядиган бошқарув тизими шаклланса.

Шерматов бир йил Қумқўрғон райижроқўмининг раиси бўлиб ишлади. Ўша йилнинг қишида уч жуфт этик кийди. Қиш чилласида эрталаб соат 5 дан кутилмаганда бир фермада ҳозир бўларди. Кийимига гард юқишини ўйламасди. Лозим бўлса, подавонга қўшилиб олиб, охурларга ем солди. Фермаларнинг шилта бўлиб кетадиган йўлакларидан юриб мол санади. Савдо, тиббиёт ходимларини сут соғувчиларнинг хизматига доимо шай қилиб қўйди.

Шерматов вилоят молия бўлими бошлиғи бўлиб ишлаганида чўлдаги узоқ бир давлат хўжалигидан ижарага ер олди. Ерда асосан оғайнилари ишларди-ю, лекин ўзи ҳам ҳеч қараб турмасди. Бақувват одам эмасми, қарсиллатиб кетмон чопганда кетмонидан учқун чиқарди гўё. Бу ишларни у завқ-шавқ билан бажарарди.

Шўрчида ҳам у қарсиллатиб ишламоқчи эди. Лекин шикоятлару аризалар қўл-оёғини боғлаб қўйгандай эди. Қараб турса, унинг ҳузурига қанд сўраб, совун сўраб кираётганлар кўпайиб қолаяпти. Бор, қандни магазиндан ол, десинми. Дея олмайди. Чунки магазинда йўқ ўша зорманда. Иккинчидан, шикоятчиларни ҳам тушунмоқ керак, ахир. Биров-яримни айтмаса, ҳеч ким ҳавасига шикоят қилмас, илтимос қилмас. Шикоятлар, илтимослар бу тақчилликнинг (шу жумладан, адолат тақчиллигининг ҳам) элчилари. Бандасининг куни ҳаргиз илтимосга қолмасин. Ҳалол нонини бировга илтимос қилиш билан емасин. Хулоса шуки, шикояту илтимос тинглашни, шикояту илтимосни шунчаки ҳал этишни иш деб биладиган раҳбар — раҳбар эмас. Илтимос — яширин тиланчилик. Шундай экан...

Шундай экан, деган гап хаёлидан кечди-ю, Шерматов қоғоз-қалам олди. Районда қуйидагиларни қурамиз, деб сарлавҳа қўйди. Ёза бошлади:

1. Макарон, печенье цехи. 2. Калиш заводи. 3. Пойабзал фабрикаси. 4. Тўқимачилик ва кийим-бош фабрикаси. 5. Юмшоқ мебель фабрикаси...

Катта хонада Шерматов ёлғиз эди. Ташқарида икки кун олдин бошланган хира ёмғир ёғарди. Дарахтларнинг учида кўнгилни хит қиладиган шамол ўйнарди. Шерматовнинг ким биландир гурунглашгиси, отамлашгиси келди. Ғайратли одамлар камдан-кам ҳолларда ҳазин тортадилар ва бундай пайтда бирор ҳамдард, ҳамфикр одамларини қўмсаб қоладилар.

«Районда қуйидагиларни қурамиз», деган ўй Шерматовни гўё сархуш қилиб қўйди. Нима бўлганда ҳам то бирон илинж кўринмагунча бу гапни «шамоллатмаслик» керак. У шуларни ўйларди.

Бироқ қайси бир кайфият биландир бир йиғинда ҳаммасини айтиб солди. Бир ҳисобда айтгани ҳам яхши бўлди. Энди ёлғончи бўлиб қолмаслик учун ҳаракат қилмоқ лозим эди. «Шўрчида калиш заводи қурилармиш» — бу гап чориқ тикишни аллақачонлар унутиб юборган, дўкондан эса калиш тополмай қолган элда оғиздан-оғизга кўчди. Бу гапга биров ишонди, биров эса «Шерматовнинг мақтанчоқлиги»га йўйди. Лекин илгари калиш заводини қуриб кўрмаган шўрчиликлар ишни нимадан бошлашларини билмай қийналиб қолдилар. Санкт-Петербург калиш заводига вакиллар юборилди. Районда олий ўқув юрти талабаларининг йиғини ўтказилди. Айрим вазирликларга алоқа хатлари жўнатилди. Лекин натижа йўқ эди. Илинж йўқ эди.

Шерматовга жумҳурият парламенти ноиблиги қўл келди. Маҳаллий саноат вазирлигининг раҳбарларини Шўрчига таклиф қилди. Бошқа идораларга ҳам тинчлик бермади. Вазият тақозо қилганда фарзандларининг тўйи куни ҳам Тошкентга учди. Бир имзонинг изидан ўн-ўн беш кунлаб қувди. Хайриятки, ҳаракати зое кетмади. Бугунги кунда лойиҳа қиммати 61 миллион сўмлик резина маҳсулотлари заводи лойиҳаси нақд! Насиб этса завод 1993 йилдан ишга тушади. Заводда 1200 одам ишлайди.

* * *

Пойабзал фабрикасини тиклашда районга омад кулиб боқди. Омад бу «Башкиробувь» бирлашмасининг бош директори Ғабибулла Келдиёров эди. Келдиёровни эса Шўрчига худоннинг ўзи етказди, деса бўлади.

Келдиёров бу ёқларга тери излаб келиб қолди. Райижроқўм раиси Чўтбоев дарров бу ҳақда Шерматовга хабар етказди. Шерматов иқтисодий кўрсаткичлар битилган маълумотни варақлаб ўтирганди. Қоғозларини апил-тапил йиғиштирди-ю, меҳмонни кутиб олиш учун пастга тушди. Ёши элликлардан ошган, няги ва бурни узунчоқ, соқол-мўйлови бежирим қилиб кузалган ўрта бўйли, озғинроқ кишини Шерматов «Э, ўзимиздан экансиз-ку, обзий, хуш келибсиз биз тарафларга!» деб қучоқ очиб қарши олди.

Устига тўн ёпиб, дўст бўлишни таклиф қилди. Шерматовнинг майда, мужмал гапга хуши йўқлиги, тортинмаслиги, мулозаматга берилмаслиги, кўнглига келган гапни шартта айтиб ташлаши Келдиёровга хуш ёқди. Лекин иккалалари ҳам бир оғиз гапни иш, деб ўйлайдиган довдирлардан эмасдилар. Шўрчиликлар Уфага — Келдиёровнинг корхонасига, уйига боришадиган бўлишди. У-бу шартномаларни ўша ёқда ҳал қилишга келишиб олишди.

* * *

Келдиёровнинг рўзғорини кўриб шўрчиликлар лол қолдилар. Ҳашамату зийнатлардан эмас. одмиликдан, камтарона рўзгорондан ҳайрон бўлдилар. Ғабибулла аканинг аёли аломат экан. Хўжайинига бирам меҳрибон, бирам мушфиқ. Аёли Ғабибулла оғани социалистик тузумдаги капиталист, дейди. Бирлашмаси миллиардер, ўзи бўлса йўқсил дейди. Шунча йил ишлаб битта 09 «Жигули» сотиб олмади, дейди — бир йиғлайди. Дала ҳовли қурмади, фин гарнитури олмади, дейди — икки йиғлайди. Ғабибулла оғанинг эса хотинининг кўз ёшларига ,парвойи палак. Тамаки тутатиб, меҳмонлар билан иш юзасидан мунозара қилади. Овозини кўтармайди. Асабийлашмайди. Доим кулиб туради. Шошилмайди. Гапирганда юз-хотир демайди. Сиёсат билан қизиқмайди. Ва ўзининг зиёнига бир қадам ҳам ташламайди. Шерматов унча-мунчага галини бермайдиган, унча-мунчани тан олмайдиган кўкси баланд одам. Лекин: «Ғабибулла оға, мен сизга қойилман», деб унинг озғин елкаларига қўлини қўйиб гапириб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Улар дўстлашиб қолдилар.

Бу дўстлик учун Ғабибулла оға Шерматовга тўн ёпмади. Лекин тўн ёпгандан ҳам зиёда иш қилди. Югославиянинг «Экспресс градна» («Тез қурилиш») бирлашмаси бош директори Властимир Ристивоевич билан та ништириб қўйди. Властимир бобо 61 га кирган, худди суратга тушишга тараддуд кўраётган одамдай жиддий киши экан. Шерматов у билан ҳам апоқ-чапоқ дўст бўлмоқчи эди. Лекин тилини билмаган одам билан бирданига чиқишиб кетиш қийин иш экан. Ҳазил-мутойибани таржима қилиб бўлмаслигини Шерматов ана шунда сезди. Бунинг устига ўн қаватли турар-жой биносини олти ойда қуриб битказган, ўз бирлашмаси теварагида олтита йирик фирмани жипслаштирган, дунёнинг етмиш икки бурчи билан муомала қилиб турган, Шўрчидек ўзларидан узоқ бир жойда пойабзал ҳамда тўқимачилик гигантларини қуриб бериш ҳақида бамайлихотир гап юритаётган чет эл бирлашмасининг соҳибига ҳаддинг сиғиб ҳазил-мутойиба қилиш ҳам, тўғриси, осон эмас экан.

Ристивоевич Шўрчига келганида уни шаҳар меҳмонхонасига таклиф қилмадилар. Район раҳбарлари меҳмонхонанинг шароитини яхши билишмасди. Чунки, йўл-йўлакай бўлса ҳам бориб кўришмаганди. Шундай бўлсада, Властимир Ристивоевичдек оврупалик бизнесменнинг таъбига бу жой мутлақо тўғри келмаслигини яхши англашарди. Ва, аслини олганда, Шўрчида ҳеч ким хориждан меҳмон кутмасди. Бу ҳақда ўйлашмасди ҳам. Қарангки, кичкина шаҳарларимизда ҳам энди хорижбоп меҳмонхоналар лозим бўлиб қолаяпти.

* * *

Властимир бобо аёли ва таржимони билан шўрчилик фуқаролардан бириникига кўнди. У қўнган хонадон кенг, баҳаво, тоза-озода, ҳамма шароит муҳайё эди. Айниқса ҳовлида ўсган хурмо дарахтининг энди пиша бошлаган мевасини ўз қўли билан узиб олиб тановул қилиши унга ҳузур бағишларди. Қовурма, тандир кабоби, қайнатма гўшт дастурхонга сиғмай қолганини кўриб боши айланарди. Лекин барибир бу ер бировнинг хонадони эди. Бировнинг уйида даҳмол босилмаган қуйлак кийиб ўтиришни у одобсизлик деб биларди. Шунинг учун бўлса керакки, меҳмон шаҳар меҳмонхонасини суриштирди. Жавобнинг мужмал бўлганидан ниманидир тушунди. Гапни майдалаб ўтирмади. Лекин бу билан у меҳмонхона ҳақидаги гапни ҳаёлидан чиқариб юбормади. Уни 17-ҳунар-техника билим юртига бошлаб боришганида: хоналарининг сон-саноғига етиб бўлмайдиган бу масканнинг биринчи қавати ихтиёрини менга берсангиз, сизга замонавий меҳмонхона ташкил этиш, юргизиш санъатини ўргатган бўлардим, деди. Учинчи қаватда кийим-кечак тикиш корхонаси очилса, иккинчи қавати ўқув қисми бўлади, шу бинодаги меҳнатнинг ўзи билан бутун бир район аҳолисининг косасини оқартиш мумкин, деган гапни айтди. Бунинг устига югославиялик меҳмон бошқирд Келдиёров ҳамкорлигида бошланган пойабзал фабрикасини чет эл дастгоҳлари билан жиҳозлашни, 1992 йил бошидан фабрикада «кроссовка» линиясини ишга тушириш мумкинлигини айтди.

Ўша куни Шерматов вилоят марказига сим қоқиб, тегишли раҳбарларни Ристивоевич билан музокарага таклиф қилди.

...Ўша куни Шўрчи пахта тозалаш заводи ҳам янги мавсум ҳосилини қабул қила бошлаганди. Янги мавсумнинг очилиш маросими, тўғриси, кичкина бир жанжал билан бошланди. Қарасаларки, район ёнғинни ўчириш идораси вакили завод дарвозасига қулф солиб ўтирибди. Ичкарига трактор кирса, завод ҳовлисининг бир четига босиб қўйилган 8 минг тонна толага ўт кетиши мумкин эмиш. Ва, умуман, заводнинг ёнғинга қарши тараддуди рисолага тўғри келмасмиш.

Рухсати (лицензияси) йўқлигидан четга сотилмаган, ёрлиқ (наряд) йўқлигидан Иттифоқ фабрикаларига чиқарилмаган ўша харидсиз-харидорсиз толанинг жанжалини қилавериб кўнгиллари зада бўлиб кетганди-ку. Бугун яна ўша тола қадамга илашиб турса. Ёнғиннинг олдини олиш аҳамиятини «акамлар» кеча эмас, бугун — айнан пахта топшира бошлаганидан куни миянгга қоқиб туришса, Теварагингга мундоқ ўгирилиб қарасанг, гапдонни кўрасан, гап ўргатувчини, ақл ўргатувчини кўрасан. Дўконларни, омборларни фалончи бўшатиб ташлади-е, деб аюҳаннос солувчиларни кўрасан. Элнинг ташвишидан кўра муштагини ўйлайдиган, қоғоз қўлтиқлаб олган текширувчини, назоратчини кўрасан. Гап деса қоп-қоп, иш деса...

Шерматов худди шу бугун Келдиёровга ўхшаб иш тутиш зарурлигини ўйлаганди: асабийлашмайди, овозини кўтармайди, шошилмайди. Тани сиҳатликни ҳам ўйламоқ керак. Элликка кираяпти, ахир. Бироқ ўт ўчирувчининг ўз ҳуқуқини пеш қилаётганини, пахта тайёрловчилар ўзи атрофида зириллаб турганидан баҳра олаётганини кўриб, ўз-ўзига қилган аҳдини унутди. Баъзилар: «Шерматов дамига зоғора пишадиган раҳбарлар хилидан», дейишади. Бу сифатлаш Шерматовнинг ўзига мутлақо ёқмаслигини эса улар билишмайди...

Янги ҳосил тарозига қўйилишидан олдин Шерматовга сўз берилди:

НУТҚ

«Шукрким, янги пишиқчиликка ҳам эсон-омон етиб келдик. Биз шўрчиликлар энди: «100 минг тонна пахта берамиз», деб лоф урмаймиз. Режамиз 35 минг тонна. Келгусида бу рақамдан яна тушармиз. Шу пайтга қадар биз пахтамизни «оқ олтин» деб мақтадик. Бу гап билан ўзимизни ўзимиз алдадик, Пахтамизнинг оқ тупроқчалик қадри бўлмаганини англагимиз келмади. Ана бундан кейин пахтамизни ҳақиқий олтинга айлантирамиз. Мисоли гап: пахтамизни йигириб, бозорга ип қилиб сотсак, ўша ипнинг нархи толанинг ҳозирги нархидан етти баравар қимматлашади. Кўрдингизми? Агар толамиздан мато тўқиб сотадиган бўлсак, ундан 1 миллиард 300 миллион сўм даромад оламиз.

... Печенье, макарон цехини ишга туширдик. Пойабзалимизни жаҳон бозорига олиб чиқамиз. Умуман, айтаверсам...».

Шерматовнинг шунга ўхшаш нутқларини: «брежневча ваъдабозлик», деб эшитган пайтларим ҳам бўлган. Ўша йиғинда шу гапни айтганлардан ҳам бор эди. Бироқ, улар энди пинҳона лаб жийирмадилар, киноялли кулмадилар. Аксинча, қўлларини баралла ёзиб, қарсак чалдилар. Чунки... ишлар Шерматов айтганча юриша бошлаганди. Бундан эса мутлақо кўз юмиб бўлмасди.

Олимжон УСАНОВ.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

РЕСПУБЛИКАДА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИНИНГ ТУҒИЛГАН КУНИ

● **АНДИЖОН давлат тиллар педагогика илмгоҳи ўзининг 25 йиллигини нишонлади.** Чорак аср давомида инглиз, немис, француз, форс, араб тиллари ва бошқа тилларни яхши биладиган етти ярим мингдан ортиқ мутахассислар тайёрлади.

● **МИРЗО Улуғбек номли Самарқанд архитектура-қурилиш илмгоҳининг 25 йиллиги муносабати билан бошланган тантаналар олий ўқув юрти музейини очиш билан ниҳоясига етди.** Шу ўқув юртини битирган кишилар юбилейга тўпландилар, улар ҳозир халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида меҳнат қилишмоқда. Илмгоҳ ҳаммаси бўлиб 15 минг малакали меъмор ва қурувчи муҳандис тайёрлади. Ҳозир бу ерда беш мингдан ортиқ йигит-қиз таълим олмоқда.

Халқ депутатлари вилоят Советининг раиси П. М. Абдураҳмонов илмгоҳ ходимлари ва меҳмонларни табриклади.

● **ТОШКЕНТДАГИ** махсус авиокосмик приборсозлик конструкторлик бюросида **камёб электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**

СУРАТДА: янги маҳсулотлардан бири.

Суратқаш: С. ВЕЛИЧКИН (ЎзТАГ).

● **ГУРЛАН районидаги Ленин номли жамоа хўжалигида янги лавозим — ғаллакорлар бригадасининг бошлиғи лавозими пайдо бўлди.** Бу қонуний ҳол албатта. Куз фаслида хўжалик ғаллазорлари 70 гектардан кўп эди.

Ерларни оилавий пудрат звенолари ўртасида тақсимлашди. Лекин бу ишларни бошқариб турадиган киши йўқ эди. Ана ўшанда янги лавозимга Рустамбой Ражабовни бир овоздан сайладилар. Унинг қўли гул: пахта ва жўхори, шоли ва рапс етиштирган, тракторни жуда яхши ҳайдайди... Буғдойни парваришлаш сирлари билан ҳам танишдир.

● **МАРҒИЛОН автомашиналар ремонти заводи Москвадаги Лихачев номли ва Нижний Новгороддаги автомобиль заводлари билан, бошқа маҳсулот етказиб берувчилар билан бевосита алоқа ўрнатди.** Натижада бу ерда эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш муаммо бўлмай қолди. Мамлакатдаги танг вазиятга қарамай, марғилонликлар ишлаб чиқариш ҳажмини оширмоқда.

ХОРИЖДА

● **ИСРОИЛ ҳукумати эгаллаб олинган араб ерларида аҳолини ҳарбийлаштирилган тақлитда жойлаштиришнинг янгича режаларини амалга оширмоқда.**

СУРАТДА: Исроил аҳолиси янги жойларда.

ТАСС фотохроникаси.

НОРОЗИЛИК МИТИНГИ

● **БЕРЛИН. 7 мингга яқин берлинлик пойтахт марказида шаҳар ратушасининг биноси ёнига тўпланиб, сенатнинг ижтимоий хизмат, транспорт ва алоқа соҳасида 10 минг иш жойини қисқартириш ниятига қарши норозилик билдирди.**

Шаҳар маъмурлари шаҳар бюджетини қалтис молиявий қийинчиликдан сақлаб қолиш учун «иқтисодиётнинг ички имкониятлари»дан фойдаланиш зарур бўлиб қолганлиги сабабли шундай қилинмоқчи эканини изоҳлаб бердилар. Бу ноилоҳликдан кўрилган тадбир эканлиги айтилса ҳам, берлинликлар тинчланишмади. Шарқий Германиянинг бошқа ўлкалари каби шаҳарда ҳам юқори даражага кўтарилган ишсизлик муаммоси тобора мушкуллашиб бормоқда.

(ТАСС, марказий рўзномалар хабарлари асосида тайёрланди).

ТУЯ ГЎШТИ ЕГАН

• Луқма •

— Ҳозир аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, айниқса, гўшт билан таъминлашни яхшилаш шу куннинг муҳим вазифаси бўлиб турибди, — дейди Беруний районидаги Беруний номли бўрдоқичилик ва қоракўл етиштириш комплекси директори Сейтназар Авезов, — Бунинг учун икки муаммони ижобий ҳал қилиб беришда биз юқори ташкилотларнинг ёрдамига муҳтож бўлиб турибмиз.

Эски нархи бир миллион юз минг сўмлик комплекс қурилиши 1984 йилда бошланган эди. 391 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди, холос. Шу билан қурилиш таққа тўхтаб қолди. Орадан етти йил ўтди. Қурилишни ким давом эттиради, ким буюртмачи, ким пудратчи— ҳеч ким билмайди.

Бундан ташқари 145 гектар ташландиқ еримиз бор. Ундан кўнгилдагидек ҳосил олинмаяпти. Гўшт кўпайсин десак, унумдор ерлардан камида беш юз гектар керак. Шундагина биз мустаҳкам ем-хашак базасини яратган бўламиз. Шу иккала муаммо ҳал қилинмас экан, комплексда гўшт етиштиришни кўпайтириш муаммо бўлиб қолаверади.

Агар бу муаммолар ижобий ҳал қилинса, комплексда йилига 500—550 тонна эмас, 1000—1100 тонна гўшт етиштириш имконияти яратилган бўлур эди.

Бўрдоқичилик ва қоракўл етиштириш комплекси ишини тубдан яхшилашда Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг амалий ёрдами керак.

Ҳозир тўққиз минг бошдан кўпроқ ориқ қўйлар алоҳида парвариш қилинмоқда. Уларни қишдан соғлом олиб чиқишнинг барча чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бунинг учун қўралар, бостирмалар тўла таъмирлаб қўйилди. Водопровод қувурлари ремонт қилинди. Хашак, етарлича беда пичани тайёрланди. Силосбоп маккажўхори жамғарилди. Яхшибека Ўтешова, Жанар Туримова, Болтабека Ўрозниёзова, Роза Жумамуротова, Жалгас Дамешов. Марат Йўлдошев кабилар ўзларига биркитилган қўйларни яхши парвариш қилмоқдалар.

Туя гўшти еган қурилиш қанча тез битса, улар учун шарт-шароит шунчалик яхшиланган бўлур эди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Чапдаги суратда: илғор бригада бошлиғи Худойназар Абсатов (ўртада) механизаторлар билан суҳбатлашмоқда. Улар Ильич районидаги Титов номли давлат хўжалигида меҳнат қилишади. Бригада аъзолари бу йил пахтадан мўл ҳосил олишди. Ҳозир келгуси йил ҳосили учун пахта тайёргарлик кўрилляпти.

И. ТЎЛИБОЕВ олган сурат.

• Фанимиз заҳматкашлари •

ОЛИМ ВА УСТОЗ

Абдували Имомалиев дорилфунунда ўқиб юрган вақтларидаёқ устози Н. А. Тодоров билан пахта толаларининг шаклланиши учун зарур бўлган муқобил ҳароратни аниқлашга муяссар бўлди. Сўнгра Иттифоқ Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Д. В. Ракитин раҳбарлигида «Дефолиантлар ва уларнинг ғўза баргига таъсирининг физиологик асослари» мавзуида доктор лик диссертациясини ёқлади.

Ғўза кўсакларининг шаклланиши ва уларнинг тўкилиб кетишидан сақлаш йўлларини қидириш, турли-туман физиологик фаол моддалар — дефолиантлар, десикантлар, гербицидлар, ўсимлик ўсишини бошқарувчи моддалардан пахтачиликда фойдаланишнинг назарий асослари ва амалий жиҳатдан уларни қўлланиш каби тадқиқотлар устида тинимсиз илмий иш олиб борди.

А. Имомалиев ғўза ва бошқа ўсимликларнинг барглари кимёвий усулда тўкиш, уларни сунъий қуритишнинг биологик асосларини биринчилардан бўлиб ишлаб чиқди. Бу пахтачиликда катта янгилик эди. Шу соҳадаги амалий тадбирлар, йўриқномалар, тавсияномалар унинг раҳбарлигида амалга оширилди. Олим ғўза барглари, гуллари ва кўсакларининг тўкилиб кетиши тўғрисидаги мавжуд назарияларни жамлаб ҳар томонлама ўрганиб, ўзининг янги ғоясини илгари сурди. Бу назарияга асосан барг ва мева органларининг тўкилиши ирсият билан боғлиқ бўлиб, хужайра ядро аппарати ва нуклеин кислоталарининг аҳамиятини кўрсатиб берди. Табиий ва сунъий хазон резгиликнинг асосий сабабларидан бири нуклеин кислоталарининг синтезланиши даражасига боғлиқ эканлиги исботланди. Ғўза физиологияси ва биокимёсининг бошқа йўналишларига ҳам Абдували Имомалиев салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Абдували ака обрў-эътиборни катта ижодий меҳнат эвазига олди. У жумҳурият фанининг вакили сифатида турли делегациялар билан АҚШ, Ҳиндистон, Тунис, Вьетнам, Мозамбик ва бошқа бир қанча хорижий мамлакатларда ўсимликлар физиологияси ва пахтачилик бўйича Ўзбекистон олимлари қўлга киритган ютуқларни дунёга танитиш мақсадида илмий маърузалар қилди. Олимнинг фан тараққиётига қўшган ҳиссаси, илмий кадрлар тайёрлаб етиштиришдаги самарали меҳнати юқори баҳоланди.

Ташаббускор олим қаерда ишламасин у илмий педагогик фаолиятини раҳбарлик билан бирга қўшиб олиб борди. У Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлар академиясининг Ўрта Осиё бўлими ташкилотчиларидан бири ва ранси, «Союзхлопок» ва «Биолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларининг ташкилотчиси ва Бош директори лавозимларида ҳормай-толмай меҳнат қилди.

Абдували ака бугунги кунда Ўзбекистон жумҳурияти Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг президенти. У жумҳуриятнинг қишлоқ хўжалик фанининг янада гуллаб-яшнаши учун барча имкониятлардан фойдаланиб, бу муҳим ишга бор кучини сафарбар этмоқда. Иттифоққа қарашли кўпгина илмий-текшириш илмгоҳларини академия қарамоғига ўтказиш борасида турли муаммоларни ўз вақтида ҳал қилишда жонбозлик кўрсатмоқда.

Абдували ака маърифат соҳасида ҳам баракали ижод қилиб, бир қатор дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини яратди. Ўзбек тилида биринчи марта 1978 йилда чоп этилган «Ўсимликлар биокимёси» дарслигини шогирди билан ҳамкорликда яратди. Домланинг шогирдлари Фанлар академиясида, жумҳуриятимиздаги дорилфунунларда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, жамоат ва давлат идораларида, қишлоқ хўжалик билан боғлиқ бўлган корхоналарда раҳбарлик лавозимида ишлаб келмоқдалар. Устознинг шогирдлари Туркманистон, Тожикистон, Озарбайжон ва бошқа пахта етиштирадиган қардош жумҳуриятларда ҳам хизмат қилмоқдалар.

Ҳ. КИМСАНБОЕВ,
профессор.
А. ЗИКРИЕВ,
доцент.

ХУШХАБАРЛАР

⊙ **БОБУР номли Андижон давлат дорилмуаллимининг талабалари Ўзбекистон халқлари тарихини чуқур ўрганишга киришдилар.** Шу мақсадда илмгоҳда ихтисослаштирилган кафедра очилди. Олимлар ва жумҳурият Халқ таълими вазирлигининг ходимлари бу ишда ташаббус кўрсатдилар. Олий ўқув юрти муаллимларга ёрдам тариқасида ўқув — услубий қўлланма чиқарилди. Бу қўлланма профессор Рустам Шамсуддинов раҳбарлигида тайёрланган.

⊙ **АНДИЖОН вилоят клиник касалхонасида оғир жароҳатланган касалларга ёрдам бериш учун нейрореанимация бўлими очилди.** У ватанимизда ва хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган ускуналар билан жиҳозланган, бўлимда фаолият кўрсатаётган юқори малакали кадрлар муолажа жараёни муваффақиятли бўлишини таъминлашмоқда. Бу ҳозирча Фарғона водийсидаги шунга ўхшаш ягона даволаш муассасасидир.

⊙ **ТОШКЕНТ автомобиль ва йўллари илмгоҳи олимлари бетон тайёрлашга доир самарали ва тежамли технологияни таклиф этдилар.** Бу технология бетонни иссиқ сув билан ишлаш жараёнини истисно қилади ва темир-бетон конструкциялар тайёрлаш муддатини анча қисқартирди. Янги усул бундай конструкцияларнинг мустаҳкамлиги ва узоқ муддатга чидамлилигини оширади, айни вақтда ҳар бир куб метр бетон қоришмасидан 6-7 сўм тежаб қолиш имконини беради.

● **САМАРҚАНДДА якшанба мактаби очилди, 50 нафар кичкинтойлар мактабгача ёшдаги болалар ва биринчи синф ўқувчилари машғулотларга киришдилар.** Улар билан санъат ва мусиқа ҳақида қизиқарли суҳбатлар ўтказилади, спорт ўйинлари бўлади. Ахлоқ-одоб, тарбия, тил, мантиқ дарслари ҳам ўтилади. Мактаб компьютерлар, ўқув жараёнининг бошқа самарали ускуналари билан жиҳозланган. Самарқанддаги инновация ва менежмент маркази бу мактабнинг ташкилотчиси бўлди.

● **В. И. Ленин номли совет болалар жамғармасининг Ўзбекистон бўлими нашр этаётган «Оила ва жамият» ҳафтаномаси муштарийлар эътиборига тушмоқда.** Унда халқимизнинг оилавий анъаналари, урф-одатлари, турмуш маданияти ҳақида ҳикоя қилинади. Шифокорлар эса болаларни қандай қилиб соғлом тарбиялаш мумкинлиги хусусида тавсиялар беришади. Ҳафтанома жамғарма ишбилармонлик фаолиятининг янги саҳифаси бўлди, ҳозир жамғарма раҳнамолигида 20 тадан кўпроқ фирма ва кичик корхона ишлаб турибди.

(ЎзТАГ)

«ЯЛЛА» ЖАНУБИЙ КОРЕЯНИ МАФТУН ЭТМОҚЧИ...

Жанубий Кореядаги «Си-Эс-Ти» фирмасининг Президенти Жо Кун Сонинг бунга ишончи комил. У Тошкентда бир неча марта бўлган ва «Ялла» вокал-чолғу дастасининг ашулаларини неча марталаб тинглаган. Бу эса унинг миллийлиги билан катта таассурот қолдирган эди. Шу сабабли бизнесмен Ўзбекистондаги энг машҳур эстрада жамоасини ўз мамлакатига таклиф қилди. Таклифномада «Ялла» дастасининг гастроллари Сеул аҳолисига Ўзбекистоннинг маданий қадриятлари билан танишиш имкониятини бериши» таъкидланган.

Даста бадиий раҳбари, жумҳурият халқ артисти Фаррух Зокиров жўнаб кетиш олдидан ўз жамоаси 20 йиллик ижодий фаолияти давомида мамлакат бўйлаб неча марталаб сафар қилганини, ўнлаб мамлакатларда концертлар берганини ҳозир эса биринчи марта Жанубий Кореяга жўнаб кетаётганини айтди.

Донг таратган даста учун бу сафар унинг ижодий фаолиятида янги бурилиш бўлади, ўзбекистонликлар севимли артистларини ўз саҳналарида ҳам кўришга умид қилишмоқда. «Ялла» 10 декабрдан кейин қайтиб келади. Ўз уйимиз, Ўзбекистон деб аталган хонадонимизда умрбоқий жамоа ташкил топган куннинг 20 йиллигини нишонланишига умидвормиз.

(ЎзТАГ).

А. Қаҳҳор номидаги Республика сатира театри ва Ўзбекистон телекўрсатувининг бир гуруҳ санъаткорлари Сирдарё ва Жиззах вилояти меҳнаткашларига ажойиб томошалар кўрсатдилар. Санъаткорларнинг Пахтакор район А. Икромов номли пахта тозалаш заводи жамоаси ҳузуридаги чиқишлари ҳам кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

СУРАТДА: санъаткорларнинг чиқишларидан лавҳалар.

Суратқаш У. ҚУШВОҚОВ.

«ОДИЛЛИК—ОДИЛОНА ҲУКМ» МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ

АЙБНИ ФОШ ЭТИШ АЙБМИ?

«Ўзбекистон овози»нинг мустақил давлат қонунчилиги ҳақидаги мулоҳазали, мунозарали мақолалари муштарийларга манзур. Муаллифларнинг турли касб эгалари эканликлари, фикрларнинг хилма-хиллиги рўзноманинг қарама-қарши маслакдаги кишиларга минбар беришга қатъий аҳд қилганлигидан далолат. Файласуфларнинг таъкидлашича, ҳақиқат баҳс ва роялар курашида ойдинлашади. Демак, рўзноманинг барча муаммоли масалаларнинг мақбул ва ҳолис ечимини топишга интилишини табриклаш лозим.

Мазкур фалсафага мувофиқ, жумҳуриятимизнинг аллома рўзномаларидан бири саналган суюкли нашримизнинг 1991 йил 24 октябрь сонида босилган «Одиллик — одилона ҳукм» сарлавҳали мақоласи юзасидан айрим мулоҳазаларимизни билдиришни лозим топдик. Пойтахтдаги Октябрь райони халқ судининг раиси, тажрибали ҳуқуқшунос Қ. Тошметовга минбар «Очиқ часига гаплашганда» рукуни остида берилганлиги қаторимизни янада қатъийлаштирди.

Аввало, мақола муаллифининг жумҳуриятда одил судловни қарор топтириш йўлидаги куюнчаклик билан билдирган мулоҳазаларини қўллаб-қувватлаш керак. Бизда унинг ҳолислиги, фақат инсонлар тақдирига ижобий таъсир кўрсатишдек соф ниятдалигига шубҳа йўқ. Матбуотда кузатганимиз — аксарият чиқишлари суд раҳбарининг серфикр ва сермулоҳаза, малакали ва иқтидорли, гражданлик туйғуси кучли мутахассис эканлигини кўп марта тасдиқлаган. Унинг танқидий фикрларида жон бор. Жумҳуриятимиз прокуратураси камчиликларни тугатиш юзасидан бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Бироқ мақолада судлов жараёнида прокурорнинг ролини нотўғри талқин этишга уринилган. Бунга қўшилиб бўлмайди. Мақоланинг ҳар бир жумласи билан танишар эканмиз, ҳаёлимизда айбловчининг айби нима, деган фикр чарх урди, холос. Давлат қораловчиси сифатида суд мажлисида ҳаракатдаги жиноят қонунлари мажмуасининг тегишли моддаларида кўрсатилган тарзда белгилашни талаб этилганлигими ёки жиноят процессуал қонунларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳам мавжудлигини эслатганлигими? Нега муаллиф прокурордан ҳолисликни эмас, жазони енгиллаштирувчи ҳолатни таъкидлашни таклиф қилмоқда? Бундай ҳолда ҳимоячи оқловчидан ҳам судланувчининг айбини оғирлаштирадиган вазиятларни кўрсатишни сўрашига тўғри келади-ку! Жиноят процессуал қонунлари мажмуасида суд жараёнидаги рақибларнинг ҳар бирига тақсимланган вазифалар бундай ҳолда аралаш бўлиб кетмайдими?

Мазкур мулоҳазалар давлат айбловчиси суд мажлисида фақатгина бир ёқлама — қораловчилик нуқтаи назаридан ҳаракат қилади, деган сўз эмас. Оилавий шарт-шароити, шахсияти, жиноятда иштироки ва ҳиссаси, уни содир этиш давомида мақсадидан қайтганлиги сингари конкрет ҳолларда прокурорларнинг жазони енгиллаштириш, ҳатто, оқлов ҳукми чиқаришларини сўраганликлари, айбни қувватлашдан воз кечганликларига мисоллар кўп.

Масалан, прокуратура органлари томонидан 1991 йилнинг биринчи ярмида тайинланган жазонинг катталиги учун кассацион тартибда киритилган 105 та эътирознома қаноатлантирилиб, шунча кишининг жазоси енгиллаштирилди. Назорат тартибидаги эътирозномаларга мувофиқ эса 31 судланувчининг жазо чораси ўзгартирилиб, енгиллаштирилди. Шов-шувга сабаб бўлган «пахта иш»ларидан бир неча юзтаси Ўзбекистон республикаси прокуратураси, унинг жойлардаги органлари эътирозномалари ва хулосалари асосида бекор бўлганлиги ҳам бунинг исботидир.

Мақола муаллифи эса иш тажрибасида дуч келган бир-иккита мисоллар ёрдамида прокуратурани шафқатсизликда айблаб, судни тамомила беайб ва ҳолис қилиб кўрсатишга интилади.

Афсуски, ҳаракатдаги қонунларга биноан судларнинг чиқарган ҳукмлари қонунийлигини назорат этаётган прокуратура органларининг маълумотлари бунинг аксини ҳам таъкидлаб турибди 1991 йилнинг биринчи ярим йиллигида. халқ судларининг 543 нафар судланувчига нисбатан ҳукми прокуратура эътирозномасига мувофиқ кассацион муҳлатларда тўлиқ бекор қилинди. Мазкур муҳлат ичида назорат тартибида 2138 нафар шахсга нисбатан чиқарилган ҳукм у ёки бу тарзда ўзгартирилди. Энг муҳими, ярим йил давомида кассацион ва назорат тартибидаги эътирозлар туфайли жазонинг ниҳоятда енгиллиги туфайли 173 фуқарога нисбатан чиқарилган ҳукм бекор қилинди.

Тасаввур қилинг. Оддий бир меҳнаткаш болалари ризқ-рўзидан орттириб, яхши ниятлар билан йиққан уч ярим минг сўм пули ва тўйҳашамда кийишга ярайдиган кийимларини ўмариб кетишди. Терговчи зарур далилларни тўплаб, унинг жиноятини тегишли тарзда квалификация қилиб, прокурор орқали судга юборди. Илгари бир марта эмас, бир неча марта шу турдаги жиноятлари учун қамалиб чиққан, ҳеч жойда ишламайдиган Г. Тарнавский мана шу жиноят учун ҳеч қандай асос бўлмаган ҳолда деярли энг кам миқдордаги —тўрт йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм этилди. Октябрь район халқ судининг мазкур ҳукмига эътирознома билдириб, прокуратура нотўғри иш қилдими? Мазкур район халқ суди томонидан муқаддам тўрт марта судланган К. Умаровга нисбатан ўғрилиги учун икки йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган учун прокуратура бу ҳукм билан ҳам келишмади.

Куйбишев район халқ судининг Р. Ким раислигидаги суд мажлисида эса пичоқ ва темир занжирлар билан қуролланган Э. Алматовнинг шериклари Рузин ва Борисовлар билан бирга йўловчилардан 2000 сўмдан зиёд пулни босқинчилик қилиб тортиб олганлиги учун уч йил муддатга озодликдан маҳрум этиб, жазони меҳнатга мажбурий жалб қилиш билан алиштиришганига нима дейсиз? 1991 йилнинг биринчи ярим йиллигида Тошкент шаҳар судлари томонидан босқинчилик қилган шахсларнинг 19 нафари, талончилик қилганларнинг 216 нафари озодликда қолдирилган. Юқорида тилга олинган Алматов эса ўзига берилган енгил жазодан фойдаланиб, жазони ўташдан қочиб яширинган. Мазкур ҳолатлар муаллиф Қ. Тошметов таъкидлаганидек, «Тергов ва прокуратура ходимлари биз жиноятчиларни ушлаяпмиз, лекин суд енгил жазо беряпти» деб суддан норозилик билдириши учун асос бўлмайдими?

Бутун республикамиз, айниқса, пойтахт жамоатчилигини ниҳоятда ташвишлантираётган бир жиноят тури борки, унга қарши қатъий чоралар белгиламай, жазони кучайтирмай туриб чек қўйиш ниҳоятда қийин кечмоқда. Бу барча муштарийлар учун яхши маълум бўлган автомобиль воситаларини олиб қочиш, очиқроқ айтадиган бўлсак, ўғрилаш жиноятидир. Прокуратура, милиция, давлат хавфсизлиги хизматининг уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлинмалари мазкур турдаги жиноий тўдаларнинг пайини қирқишга астойдил киришмоқда. Бироқ, афсуски, занжирнинг сўнгги бўғини судлар томонидан жазо тайинлаш бўшлиги туфайли натижалар ҳали кўнгилдагидек эмас. Сўзимизнинг исботи учун пойтахтдаги Ҳамза район халқ суди томонидан 1990 йил 2 ноябрда чиқарилган ҳукмни мисол қилиб келтирмоқчимиз. 1966 йилда туғилган Искендар Сулаймонов Туйманов исмли кишининг автомашинасини олиб қочган. Номер белгиларини дарёга ташлаган. Искендар бир ҳафтадан сўнг ўлжа «Жигули»ни ўзи хизмат қиладиган «Модуль» ширкатига ҳайдаб келиб, эҳтиёт қисмларини ечиб олган.

Емай-ичмай тўплаган пулига олган «Жигули»си ҳасратида ранги сарғайган Туйманов Сулаймоновга нисбатан чиқарилган ҳукм билан танишиб, баттар тутоқиб кетди. И. Сулаймоновга меҳнатга мажбурий жалб қилиш шарти билан уч йил озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланган экан.

Искендарнинг тенгдоши Қобил Ҳалилов эса автомашинанинг калитини эгаси Неъмат Аҳмаджоновдан ўғирлаб олиб, ўз акасининг уйига яшириб қўйганлиги учун бор-йўғи бир ярим йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. Албатта, милиция ходимларининг зуллик билан қилган ҳаракатлари бўлмаганида бу машинадан ном-нишон қолиши гумон эди. Бироқ суд автомашинанинг топилиб, жабрланувчига қайтарилганлигини айбланувчининг хизмати деб топдими, жазо тайинлашда ана шу ҳолатни инобатга олиб мурувват кўрсатди.

Тилга олинган ҳар иккала жиноят иши юзасидан чиқарилган ҳукмлар прокуратура эътирозномасига мувофиқ енгиллиги учун бекор қилинди. Айрим халқ судьяларининг бу каби ҳоятамтойлигини далилловчи мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Талончилик қилганлиги учун Октябрь район халқ суди томонидан М. Икромовга, ўғрилиги учун судланган В. Арефьев, Е. Шоймуродов, М. Исоқов ва Қ. Умаровларга нисбатан чиқарилган ҳукмлар ҳам енгиллиги учун район ва шаҳар прокурорларининг эътирозномаларига мувофиқ бекор қилинди ва қайтадан кўриб чиқиш учун судга юборилди.

Албатта, келгусида ҳуқуқ тартибот органларининг фаолияти асосий йўналишини жазо эмас, профилактика, яъни жиноятнинг олдини олиш ташкил этиши табиий. Бу масалада биз мақола муаллифининг таклифларига тўла қўшиламиз. Бироқ бозор иқтисодиёти, иқтисодий таназзул, ижтимоий ҳаётдаги мавҳумлик ва бошқа бир қатор ҳолатларни инобатга олган ҳолда бугунги кунда ўғрилик жиноятини ўзи жазони кучайтириш кераклигини бутун аҳоли, қоларверса, давр ўртага қўймоқда. Бошбошдоқлик натижасида ҳаётнинг кўп соҳаларида уюшган жиноятчилик, ҳуфёна тўдалар пайдо бўлмоқда. Шу ўринда Ўзбекистон республикаси жиноят қонунлари мажмуасидаги бир қатор нуқсонлар, жумладан, ўғрилик учун жазо белгиловчи 125-модданинг бир жиҳати ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Унда таъкидланишича, қайта содир этилган ёки шахсларнинг аввалдан тил бириктириш туфайли жиноят садир этганлик 125-моддаларнинг 2-қисми билан жавобгарликка тортилиб, 3 йилдан 6 йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади. Мазкур моддаларнинг 3-қисми эса хонадонга бузиб кирганлик йўли билан содир этилган жиноят учун 5 йилдан 7 йилгача жазо белгилайди. Беихтиёр мулоҳаза туғилади: агар уй эшигини бузиб кирган 50 сўм ўғрилик қилган киши камида 5 йилга озодликдан маҳрум этилса-да, бошқа йўллар билан 100 минг сўм ўмарган жиноятчи 2—3 йилга қамалса, бу ерда қандай мантиқ бўлиши мумкин? Қонуннинг ана шу заиф нуқтаси айрим судьялар учун енгил жазо тайинлашда қўл келмаяптимикан? Шунингдек, автомобиль воситаларини ўғрилаш ҳолатлари кучайганлигини ҳам инобатга оладиган бўлсак, 125-моддага, албатта, ўзгартиш киритиш лозим, деб ўйлаймиз.

Мақола муаллифининг ҳулоса ўрнида тергов ва прокуратура ходимлари ўзларининг масъулиятларини оширишлари лозимлиги ҳақидаги фикрига тўлиқ қўшиламиз.

Б. ПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон республикаси прокуратураси судларда жиноят ишларни кўриш устидан назорат қилиш бошқармаси бошлиғи.

А. БОБОБЕКОВ,
ташкилий назорат бўлими прокурори.

ЁЙМА БОЗОР

● ТОШКЕНТДА озиқ-овқат маҳсулотлари жумҳурият улгуржи ёйма бозори иш бошлади. Уни бир ҳафта мобайнида озиқ-овқат тармоқлари корхоналари билан савдо корхоналари ўртасида 1992 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан шартномалар тузиш керак бўлади.

Ҳозирги ёйма бозор аввалги йиллардан фарқли ўлароқ жуда қийинчиликлар билан ўтмоқда. Ишлаб чиқарувчилар билан савдо корхоналари ўртасидаги можаро ана шундай қийинчиликларнинг асосийларидан бири ҳисобланади. Хом ашё билан таъминланмаган корхоналар аниқ миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришга доир шартномалар тузиша олмаяпти, чунки узилиш бўлган тақдирда улар жарима тўлашга мажбур бўладилар. Ҳозирча эса зарур миқдорда хом ашё етказиб туришга, гарчи барча даражаларда иш олиб борилаётганига қарамай, ҳеч ким кафолат бермаяпти.

Жумҳурият ҳукумати ҳам ниҳоятда муҳим бу муаммони доимий назорат қилиб турибди. Масалан, озиқ-овқат маҳсулотларига алмаштириш учун пахта толаси ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бошқа йўналишларда ҳам, жумладан, хорижий шериклар билан ҳамкорлик қилиш юзасидан ҳам иш олиб борилмоқда. Бу эса яқин орада озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқиш учун ишончли тарзда хом ашё ғамлаш имконини беради.

Ёйма бозор комитетининг дастлабки мажлисида келаси йилда ишлаб чиқариладиган асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳажми аниқланди. Ҳозирдаёқ Ўзбекистон аҳолиси нон, макарон маҳсулотлари, ёғ, чой, мева-сабзавот консервалари ва бошқа кўплаб турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етишмаслигини ҳис этмайдилар, деб айтиш мумкин. Жумҳуриятимиздаги бошқа корхоналар барқарор ишлашини таъминлаш юзасидан ҳам жадал иш олиб борилмоқда. Ўз ишини бошлаган ёйма бозор кўплаб муаммоларни ҳал этишда ёрдам бериши керак. (ЎзТАГ).

СПОРТ

ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО МУСОБАҚА

Ўзбекистон Республикаси пойтахтида яна бир йирик мусобақага ҳозирлик кўрилмоқда. Шу кунларда «Юбилей» марказий спорт саройи чарм қўлқоп усталарини чорлашга тахт қилиб қўйиляпти. Бу ер 10—14 декабрь кунлари ҳар қачонгидан гавжумлашади. Мухлислар Финляндия, Туркия, Болгария, Польша, Канада, Италия мамлакатларидан келган моҳир боксчиларнинг чиқишларини томоша қиладилар. Қизғин ва муросасиз баҳсларда мамлакат терма жамоаси боксчиларининг ҳам иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси боксчилари алоҳида жамоа бўлиб қатнашадилар. Яқинда жаҳон чемпионатининг кумуш медалини қўлга киритган Артур Григорьян алоҳида дастур бўйича рингга чиқиш нияти борлигини изҳор этди.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ДОРИЛФУНУНИ

кафедралар бўйича
профессор-ўқитувчилар таркибидаги бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мудирлар: фуқаро мудофааси туркуми, умумий математика, математика ўқитиш услубиёти, амалий ҳисоб ва амалларни тадқиқотлаш, яримўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси, географияни ўқитиш услубиёти, тупроқшунослик, биофизика, тадқиқотларнинг аэрокосмик усуллари, маданият тарихи ва назарияси, ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш услубиёти, 2-ўзбек тили, рус тили ва адабиётини ўқитиш услубиёти, чет эл адабиётшунослиги ва танқид, ўзбек тили ва адабиёти, роман-герман тилшунослиги, умумназарий фанлар, табиий факультетларда немис ва француз тиллари, ишлаб чиқариш иқтисоди ва уни бошқариш, ўсимликлар цитоэмбриологияси ва морфологияси;

профессорлар: ижтимоий факультетларда фалсафа, ижтимоиёт, сиёсий партиялар, тарихи, ўзбек классик адабиёти, математикавий таҳлил;

доцентлар: ижтимоий факультетларда сиёсий тарих, умумий математика, дифференциал тенгламалар, математикавий таҳлил, ҳисоблаш математикаси, умумий физика (физик бўлмаганлар учун), олий математика, физикавий электроника, назарий физика (2), оптика ноорганик кимё, аналитик кимё (2), органик кимё (2), кимёни ўқитиш услубиёти (2), юқори молекулали бирикмалар кимёси ва технологияси, қуруқлик гидрологияси (2), тупроқшунослик (2), қуйи ўсимликлар ва микробиология, биокимё, ўсимликлар морфологияси ва цитоэмбриологияси, умумий геология, палеонтология, фалсафа тарихи ва мантиқ, ижтимоий факультетларда фалсафа (3), янги ва энг янги тарих, археология, сиёсий партиялар тарихи, рус адабиёти (2), таржима назарияси, чет эл адабиётшунослиги ва танқид, даврий матбуот назарияси ва амалиёти (2), ишлаб чиқариш иқтисоди ва уни бошқариш, иқтисод факультетида сиёсий иқтисод (3), табиий факультетларда сиёсий иқтисод, ижтимоий факультетларда сиёсий иқтисод, математикани ўқитиш услубиёти, инглиз филологияси, этнография, қадимги дунё ва ўрта асрлар тарихи, чет эл адабиёти, ўсимликлар цитоэмбриологияси ва морфологияси, руҳшунослик, коллоидли кимё, 2-жисмоний тарбия (0,5 ўрин);

катта ўқитувчилар: ижтимоий факультетларда сиёсий тарих, 1-жисмоний тарбия, фуқаро мудофааси туркуми, эҳтимоллик назарияси ва математикавий ҳисоб, амалий ҳисоб ва амалларни тадқиқотлаш, физика услубиёти ва тарихи (2), квантли радиофизика, аналитик кимё (2), органик кимё, юқори молекулали бирикмалар кимёси ва технологияси, синтетик полимерлар кимёси, географияни ўқитиш услубиёти, умуртқали ҳайвонлар зоологияси, тадқиқотлашнинг аэрокосмик усуллари, умумий геология, петрография, Ўзбекистон халқлари тарихи, 2-ўзбек тили, инглиз филологияси (2), француз филологияси, роман-герман тилшунослиги, чет эллик фуқаролар учун тайёрлов факультетида рус тили, ижтимоий фанлар, умумназарий фанлар, табиий фанлар, иқтисодиёт факультетида сиёсий иқтисод (2), минералогия (2), физикавий кимё, ўзбек классик адабиёти, фалсафа, сиёсатшунослик (ўзбек тилида ўқитилади);

ўқитувчилар: чет эл фуқаролари учун рус тили (3), педагогика, 1-жисмоний тарбия, фуқаро мудофааси туркуми (2), ижтимоий география ва аҳоли нуфуси, қуруқлик гидрологияси, руҳшунослик (4), дин ва ҳуқ фикрлаш тарихи ва назарияси, Ўзбекистон халқлари тарихи (3), янги ва энг янги тарих (0,5), тарихни ўқитиш услубиёти, этнография, қадимги дунё ва ўрта асрлар тарихи (2), ўзбек тилшунослиги (3), ўзбек нутқ маданияти (2), 1-ўзбек тили (3), 2-ўзбек тили (7), рус адабиёти, рус тили ва адабиётини ўқитиш услубиёти, француз филологияси, ўзбек тили ва адабиёти, услуб (стилистика) ва таҳрир, даврий матбуот назарияси ва амалиёти, чет эл фуқаролари учун тайёрлов факультетида рус тили, иқтисодий ва ижтимоий география, умумий геология;

ассистентлар: дифференциал тенгламалар, алгебра ва сонлар назарияси, амалий математика, умумий математика, умумий физика (физик бўлмаганлар учун), яримўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси, ядро физикаси ва космик нурлар, ноорганик кимё, синтетик полимерлар кимёси, биофизика, биокимё, генетика (0,5), умуртқали ҳайвонлар зоологияси, одам ва ҳайвон физиологияси, фалсафа (2);

мудир ва кичик илмий ходимлар (2): ҳисоблаш маркази лабораторияси.

Танлов муддати — 31 декабргача.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700095, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ТошДД, маъмурий бино, 6-қават, расмийлаштириш бўлими, 69-хона. Телефон: 46-54-64.

Театр

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5/XII да — **Фигаронинг уйланиши**, 6/XII да **Севги ҳақида афсона.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/XII да **Мирзо Улуғбек**, 6/XII да **Жонимни ол, жонгинам.**

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/XII да — **Гўзаллар ва миршаблар**, 4/XII да — **Лаққма нуёв**, 5/XII да — **Қопқон**, 6/XII да — **Паранжи сирлари.**

Ўзбекистон жумҳурияти пилла етиштириш бирлашмаси жамоаси Тошкент пиллачилик шўро хўжалигининг бошлиги

Муслим БОЙМИРЗАЕВНИНГ

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон жумҳурияти Пилла етиштириш бирлашмаси жамоаси механизация бўлимининг бошлиги К. Усмоновга отаси

Ҳаким УСМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбектелефильм» студияси жамоаси студия ходими Т. Сатторовага отаси

Қаҳҳор САТТОРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Жумҳурияти деҳқончилик саноати мажмуини моддий-техникавий таъминлаш ва техникавий тузатиш давлат-кооператив қўмитаси жамоаси Сирдарё вилоят қишлоқ хўжалик таъминоти ва тузатиш бирлашмаси раисининг ўринбосари

Абдурасул СУВОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдиради ва марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон жумҳурияти Давлат саноат ишлари хавфсизлиги ва тоғ-кон назорати қўмитаси жамоаси қўмита ҳайъати аъзоси Ш. М. Ҳакимовга отаси

Маҳмуд Қори ҲАКИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб,) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 6481

№ 235.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—21.30. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.